



# ИСРОФ САХОВАТ ЭМАС

Иқтисодий қийинчиликнинг асосий сабабчиси исрофдир. Баъзилар машаққат чекиб, йиллар давомида қўлга киритган молини ном чиқариш учун қисқа фурсатда совуриб юборади. Бирор буюмнинг (масалан, улов, рўзгор ашёси ёки кийим-кечакнинг) арзонроғи тургани ҳолда, бошқаларни лол қолдириш мақсадида энг қиммати-ни сотиб олади. Сув, озиқ-овқат, кийим-бош, ёнилғи каби неъматларни исроф қилиш борасида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Исроф динимизда қаттиқ қораланган. Қуръони каримда бундай дейилган: **“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофга мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди”** (Исро, 26–27).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Сени икки хислат – фахрланиш ва исроф хатога бошлайди. Шундан эҳтиёт бўл», деб марҳамат қилганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Фахри коинот айтганларидек: «Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофчилик ва фахрга ўтманглар»; «Ким ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди».

Улуғ бир аллома айтганларидек, «Исроф сахийлик эмас, тежаш бахиллик эмас». Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. Юз сўмга олинadиган нарса-

га ҳовлиқиб минг сўм тўламайди. Пулини фақат ҳаёти, рўзғори, эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларгагина харжлайди. Тежаган киши асло фақир бўлмайди, балки икки дунё саодатига эришади.

Имоми Аъзамнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) гоят ибратли бир гаплари бор: «Яхшилик ва эҳсонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай яхшилик йўқ». Дарҳақиқат, Аллоҳ розилиги йўлида ўзгаларга ҳар қанча яхшилик қилсангиз ҳам, ортиқчалик қилмайди, исроф эмас. Аксинча, мол-

ни беҳуда сарф қилсангиз, у ҳар қанча чиройли кўринмасин, ортида ҳеч бир яхшилик йўқ. Пулни ҳисоб-китоби билан сарф қилиш фойданинг ярмидир.

Исрофчилардан бири Сукрот ҳакимга камбағаллигидан шикоят қилганида Сукрот унга бундай маслаҳат беради: «Исрофингга чек қўйиб, пулингни тежа, ўзинг ўзингдан қарз ол, шунда аҳволинг ўнгланади».

Исроф дейилганида фақат маблағ ёки мулкни совуриш тушунилмайди. Қимматли вақтни беҳуда ўтказиш, фойдали ишларга сарфламаслик ҳам исрофдир. Куч-қувват ва салоҳиятни эл-юртга ёки ўзига фойда келтирмайдиган ишларга кетказиш ҳам исрофдир. Соғлиқнинг қадрига етмай, тинкани қуритадиган ёки саломатликка хавф соладиган ишларга муккадан кетиш ҳам исрофдир. Му-сулмон киши исрофдан қочади, ҳамма ишда тежамкор ва тадбирли бўлади.

Аҳмад МУҲАММАД

# ХАТОЛАР АСОСИ

Инсон бошига тушадиган кулфатларнинг кўпига дунёга ҳирс, муҳаббат қўйиш сабабдир. Шунинг учун хабарда: “Барча хатоларнинг асоси дунёпарастликдир”, дейилган. Дунёпарастлик ўғрилик, зулм, ҳақсизлик, адолатсизлик қилинишига, жамиятнинг қонун ва низомлари бузилишига сабаб бўлади.

Дунёпараст одам муносабатларини молиявий манфаатлар устига қуради. Кимдан фойда кўрса, ким ишини битирса, фақат уни “хурмат қилади”. Фойдаси тегмаган кундан бошлаб “дўстини” танимай қолади. Худо кўрсатмасин, агар ёрдами тегиб турган “дўсти” қийинчиликка тушиб қолса, «баттар бўлсин» дея устидан кулади.

Шунинг учун динимиз молпарастликни қатъий қоралаган. Бойлик омонат эканини баён қилган. Айни чоқда таркидунёчиликни ҳам қоралаган. Мол-дунёни ҳирс билан ишташ ёмон деб, мол топишга умуман ҳаракат қилмаслик тўғри эмас. Чунки мол-дунё яхшиликни англашга сабабчи бўлса, буюк неъматдир.

Фақирлик кулфат эмас, бир синовдир. Фақирлик туфайли номус ва эътиқоддан воз кечилса, мусибат шунда бўлади. Бизнинг миллат бойликни деб номус ва эътиқоддан воз кечмайди. Шунинг учун шарафли миллатдир.

Мол-дунёни исроф қилмай, жойига сарфлаш, кўрсатилган ўрнига бериш мўмин-мусулмоннинг имонига, унинг Ҳаққа итоатига далолатдир. Хабарда бундай келган: «Энг аввал ўзингга нафақа қил, агар молинг ортиб қолса, оилангнинг, яна ортиб қолса, бошқа яқинларингнинг ҳожатларига сарфла». Мол-дунёни тасарруф қилишда энг мақбул, талаб қилинган йўл шудир.

Фарзандларимизни кўзи тўқ, дунёга ҳирс қўймайдиган инсонлар қилиб тарбиялайлик.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

### Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

### Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи  
терди.

### Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.  
Интернет сайтими: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтами: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 17 октябрда рухсат берилди.  
Босмахонага 2008 йил 23 октябрда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 24500 нусха. 196-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Кўлэмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.  
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Хидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Ёмонликдан қайтариш</b>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Исроф саховат эмас.....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Хатолар асоси.....	2
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Муҳаммадназар ҚАЮМОВ	
Вилоятларга сафар.....	7
Муҳаммад Акмалхон ШОКИРОВ	
Янги биноларда.....	7
<b>Умра таассуротлари</b>	
Кўрганларимиз бир умрга татийди.....	10
<b>Ҳадис шарҳи</b>	
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН	
Очиқ юзлик ва чиройли хулқ.....	11
<b>Қуръонни ўрганамиз</b>	
Али ибн АҲМАД ВОҲИДИЙ	
Оятларнинг тушиш сабаблари.....	12
<b>Хотира</b>	
Али АБДУВОҲИДОВ	
Бобом ҳақида.....	15
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Суринам Республикаси.....	16
<b>Мужда</b>	
Муборак ОХУНОВА	
Талабалар фестивали.....	17
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Жаъфар АБДУЛМУМИН	
Машхур фарғонийлар.....	18
<b>Мулоҳаза</b>	
Акбаржон АБДУРАҲИМОВ	
Яхшилик яхши.....	19
<b>Шеърят</b>	
Қадам САЙИД МУРОД	
Бахилнинг боғи гуллагас.....	24
<b>Тарих</b>	
Одилжон ЖАЪФАРОВ	
Чугучаклик ўзбеклар.....	26
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
ДИЛНОЗА	
Кечира олиш бахти.....	28
Мунис СИРОЖОВ	
Салобати босади.....	29
<b>Мужда</b>	
Муҳаммад ибн ИБРОҲИМ ТУВАЙЖИРИЙ	
Жаннат васфи.....	30
<b>Тадқиқот</b>	
Урсула СПУЛЕР-СТИГМАНН	
Олмонияда мусулмонлар.....	31
<b>Санъат</b>	
Ғофиржон ҲАҚБЕРДИ	
Хаттотларимиз ютуғи.....	32

## Тафсири

## ЮСУФ СУРАСИ

4

Элчи Юсуфга (алайҳиссалом) бу хабарни етказганида волийнинг хотини тўнкаган айблардан ўзларининг пок эканларини ва номусларининг софлигини, зулм ва адоват туфайли зиндонда ўтирганларини подшоҳ ва раия билмагунича зиндондан чиқишдан бош тортдилар.

## Саҳобалар ҳаёти

Самий Нур ЖАҲИН

## ЗИБОЪА БИНТИ ЗУБАЙР

8

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Миқдод ибн Асвадга: “Мен сени уйлантириб қўяман”, дедилар ва уни амакиларининг қизи Зибоъа бинти Зубайрга уйлантириб қўйдилар. Бу никоҳдан Абдуллоҳ ва Карима исмли фарзандлар туғилди.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Хитой Эрон тарафида

Хитой ҳукумати Эрон Ислому Республикасига нисбатан чеклов чоралари қўлланишига қаршидир. ХХР ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Цзян Юй шу ҳақда маълум қилди. “Чеклов чоралари муаммони ҳал этиш усули ҳисобланмайди, – деди у.

20

## Масала

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

Азадорларнинг уч кун давомида таом қилиб зиёфат шаклида одамларга беришлари макруҳдир. Бу қабиҳ бидъатдир (Ибн Ҳимом. “Шарҳул Ҳидоя”).

Мусибат кунлари зиёфат шаклида таом бериш макруҳдир. Зеро, бу иш гам-ғусса кунларига муносиб эмас. Аммо меросхўрлар ичида сағир бўлмаса, таом тайёрлаб камбағалларнинг уйларига тарқатиш яхшидир (“Фатовои Қозихон”).



23

# ЮСУФ СУРАСИ\*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَصْنَعِي السِّجْنَ أَمَا أَحَدُكُمَا فَيَسْقِي رَبَّهُ حَمْرًا<sup>ط</sup> وَأَمَا الْآخَرُ فَيُصَلِّبُ فَتَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْ رَأْسِهِ<sup>ع</sup> قُضِيَ الْأَمْرُ الَّذِي فِيهِ تَسْتَفْتِيَانِ ﴿٤١﴾ وَقَالَ لِلَّذِي ظَنَّ أَنَّهُ نَاجٍ مِّنْهُمَا أَذْكَرَ نِي عِنْدَ رَبِّكَ فَأَنسَهُ الشَّيْطَانُ ذَكَرَ رَبَّهُ فَلَبِثَ فِي السِّجْنِ بِضْعَ سِنِينَ ﴿٤٢﴾ وَقَالَ الْمَلِكُ إِنِّي أَرَى سَبْعَ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعَ سُنبُلَاتٍ خُضْرٍ وَأُخَرَ يَابِسَاتٍ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ أَفْتُونِي فِي رُءْيَايَ إِنْ كُنْتُمْ لِلرُّءْيَا تَعْبُرُونَ ﴿٤٣﴾ قَالُوا أَضْغَثُ أَحْلَمٍ وَمَا خُنَّ بِتَأْوِيلِ الْأَحْلَمِ بَعْلَمِينَ ﴿٤٤﴾ وَقَالَ الَّذِي نَجَا مِنْهُمَا وَادَّكَرَ بَعْدَ أُمَّةٍ أَنَا أُنْتَبِئُكُمْ بِتَأْوِيلِهِ فَأَرْسِلُونِ ﴿٤٥﴾ يُوسُفُ أَيُّهَا الصِّدِّيقُ أَفْتِنَا فِي سَبْعِ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعِ سُنبُلَاتٍ خُضْرٍ وَأُخَرَ يَابِسَاتٍ لَّعَلِّي أَرْجِعُ إِلَى النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾ قَالَ تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ دَأْبًا فَمَا حَصَدْتُمْ فَذَرُوهُ فِي سُنْبُلِهِ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تَأْكُلُونَ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ سَبْعُ شِدَادٍ يَأْكُلْنَ مَا قَدَّمْتُمْ لَهُنَّ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تُحْصِنُونَ ﴿٤٨﴾ ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ النَّاسُ وَفِيهِ يَعْرِصُونَ ﴿٤٩﴾ وَقَالَ الْمَلِكُ أَتُتُونِي بِهِ<sup>ط</sup> فَلَمَّا جَاءَهُ الرَّسُولُ قَالَ أَرْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَسْأَلْهُ مَا بَالِ النِّسْوَةِ الَّتِي قَطَعْنَ أَيْدِيَهُنَّ إِنَّ رَبِّي بِكَيْدِهِنَّ عَلِيمٌ ﴿٥٠﴾ قَالَ مَا خَطْبُكُنَّ إِذْ رَاوَدْتُنَّ يُوسُفَ عَنِ نَفْسِهِ<sup>ع</sup> قُلْنَ حَاشَ لِلَّهِ مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ مِنْ سُوءٍ<sup>ع</sup> قَالَتِ امْرَأَتُ الْعَزِيزِ الْكِنَّ حَصْحَصَ الْحَقُّ أَنَا رَاوَدْتُهُ عَنِ نَفْسِهِ وَإِنَّهُ لَمِنَ الصِّدِّيقِينَ ﴿٥١﴾ ذَلِكَ لِيَعْلَمَ أَنِّي لَمْ أَخُنْهُ بِالْغَيْبِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي كَيْدَ الْخَائِبِينَ ﴿٥٢﴾

41. «Зиндонда ўтирганлар! Иккингиздан бирингиз хожасига шарбатчи бўлади. Бошқангиз ўлимга маҳкум, унинг бошидан кушлар ейди. Иккингииз сўраётган ҳолат бўлади!»

42. Иккисидан, кутулади деб ўйлагани бирига: «Хожангнинг хузурида мени ёд эт», деди. Шайтон хожаси хузурида уни ёд этишни унинг хаёлидан кўтарди. Шу боис зиндонда бир неча йил бўлди.

43. Подшоҳ деди: «Мен тушимда етти семиз сигирни етти ориқ сигир еяётганини, етти думбул ва етти куриган бошоқни кўрдим. Аъёнлар! Агар туш таъбирини билсангиз, менга бу тушимнинг таъбирини айтинг».

44. Улар дейишди: «Бу узук-юлуқ тушлардир. Биз узук-юлуқ тушларнинг таъбирини билувчи эмасмиз».

45. Иккисидан кутулгани, узоқ муддатдан сўнг эсига олиб, деди: «Унинг таъбирини сизга мен айтаман, менга жўнашга рухсат беринг!»

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

46. «Юсуф! Эй тўғрисўзли! Етти семиз сигирни етти ориқ сигир еяётгани; етти думбул ва етти қуриган бошоқ кўрилган туш таъбирини бизга айтинг. Одамлар ҳузурига қайтсам, улар билишса».

47. У деди: «Етти йил кетма-кет дон экинг. Ўриб олган ғаллангизнинг озгина ейдиганингиздан бошқасини бошоқлари билан қолдириг.

48. Сўнг у етти йилдан кейин етти оғир йил келади, у йиллар учун олдин йиққанларингизни тугатади. Сақлаганларингиздан фақат озгинаси қолади.

49. Сўнг у етти оғир йилдан кейин бир йил келади. Унда одамлардан қийинчилик кўтарилади, унда шарбатлар олишади».

### Тафсири ва баёни

Юсуф (алайҳиссалом) хизматкор йигитларга тушларининг таъбирини айтаётганларида уларни ранжитмаслик учун «бирингиз» ва «бошқангиз» деб айтдилар.

Розий тафсирида келтирилишича, хизматкор йигитлар айтган тушларининг таъбирини эшитишгач: «Биз ҳеч нарса кўрмаган эдик», дейишди. Шунда Юсуф (алайҳиссалом): «Иккингиз сўраётган ҳолат бўлади», дейдилар.

Юсуф (алайҳиссалом) таъбирларини тахмин ва гумонга асослаб айтмаган эдилар, балки Аллоҳ таолодан келган ваҳийга асосан айтган эдилар. Ваҳий гумон ва тахминни эмас, аниқ ишончини билдиради.

Сўнг Юсуф (алайҳиссалом) у икки йигитдан зиндондан қутулиб чиқишига ишонганлари бирига: «Хожанг олдида мени ёд эт, менинг қиссамни хожанг, яъни, подшоҳ олдида айтгин. Гуноҳим йўқлигини билгач, шояд мени қамокдан чиқариб юборса», дедилар. Юсуфнинг (алайҳиссалом) бу айтганлари нажот топиш ва қутулиш учун одатан ва шаръан талаб этилган зоҳирий сабабларга қўл уриш жумласидандир.

Шайтон Юсуф (алайҳиссалом) қиссасини подшоҳга айтишни зиндондан қутулиб чиққан хизматкор йигит хаёлидан кўтарди. Унинг унутиши, Юсуф (алайҳиссалом) зиндондан чиқиб, Аллоҳ таолонинг ягона эканига, Унга қуллик қилишга, мушрикларга қарши курашга ва шайтон васвасаларини йўқотишга чорламасликлари учун, шайтон ҳийлаларидан бири эди.

50. Подшоҳ деди: «Уни ҳузуримга келтиринг». Унга элчи боргач, деди: «Хожанг ҳузурига қайтиб, ундан қўлларини кесган аёлларга нима бўлганини сўра! Менинг Хожам у аёлларнинг найранглари-ни билгувчидир».

51. У деди: «Юсуфни ўзидан оздирмоқчи бўлганингизда сизга нима бўлган эди?!» Аёллар дейишди: «Аллоҳ покдир, Унда бирор ёмонлик борлигини билмадик». Волийнинг аёли деди: «Ҳозир ҳақ очик бўлди. Мен уни ўзидан оздирмоқчи бўлган эдим. У тўғрисўзли кишилардандир».

52. «Бу қилганларим, у йўғида унга хиёнат қилмаганимни, Аллоҳ хоинларнинг найранглари-ни амалга оширмаслигини билиб қўйиши учундир».

Шу боис Юсуф (алайҳиссалом) мазлум ва унутилган ҳолда бир неча йил зиндонда бўлдилар. Юсуф (алайҳиссалом) зиндонда қанча бўлганлари ҳақида турли фикрлар айтилган. Улардан тўғриси «етти йил» деган фикрдир.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Аййуб (алайҳиссалом) балода етти йил бўлганлар. Юсуф (алайҳиссалом) эса зиндонда етти йил қолганлар. Бухтунаср етти йил азобланган».

Миср подшоҳи кўрган тушининг таъбирини билиш учун қоҳинлар ва давлат амалдорларини тўплаб, тушини уларга айтиб берди ва таъбир қилишларини сўради. Улар подшоҳнинг туши таъбирини билишмади. У узукюлуқ ва ҳеч қандай маъноси йўқлигини, ошқозонда овқат ҳазм бўлмаганида, киши чарчаганида кўриладиган туш эканини айтишиб, узр сўрашди.

Ана шунда Юсуф (алайҳиссалом) билан зиндонда бўлган ва зиндондан қутулиб чиққан хизматкор йигит Юсуфни (алайҳиссалом) эсига олиб, подшоҳ ва унинг атрофидаги аъёнларига: «Бу тушнинг таъбирини мен айтман, мени ҳозир зиндонда ўтирган тўғрисўз Юсуф (алайҳиссалом) олдида юборинглар», деди.

У хизматкор йигит Юсуф (алайҳиссалом) олдиларига бориб: «Юсуф! Эй тўғрисўзли! Етти семиз сигирни етти ориқ сигир еяётганини, етти думбул ва етти қуриган бошоқ кўрилган туш таъбирини бизга айтинг! Одамлар ҳузурига қайтсам, улар билишса», деди.

Юсуф (алайҳиссалом) айтганларини унутиб қўйгани учун хизматчи йигитни койимасдан, уришмасдан ва олдин зиндондан чиқишни шарт қилмасдан подшоҳнинг туши таъбирини айтдилар: “Етти йил кетма-кет ҳосилдор ва ёмғирли бўлади. У йилларда дон экиб, тўплаган ғалла ва ҳосилларингизни, қурт еб қўймаслиги учун, бошоқлари билан асраб қўйинг. Ейдиган озгина миқдорини янчиб олинг. Кўп янчманг, чунки қолганини етти оғир қаҳатчилик йилида ейсиз”.

Юсуф (алайҳиссалом) семиз сигирларни ва думбул бошоқларни ҳосилдор йилларга, ориқ сигирларни ва қуриган бошоқларни очарчилик йилларига йўйдилар.

Сўнг Юсуф (алайҳиссалом) қийинчилик кўтариладиган серёмғир йил келишини башорат қилдилар. У йилда ёмғир мўл бўлиб, халқ кўп ҳосил кўтаришини, аввалгидек, зайтундан ёғ, хурмо ва узумдан шарбат олишларини баён қилдилар. Юсуфнинг (алайҳиссалом) бу айтганлари тушнинг оддий таъбири эмас эди, балки илоҳий ваҳий ва илҳом билан ғайбдан хабар бериш эди.

Подшоҳ Юсуф (алайҳиссалом) айтган таъбирни эшитгач, Юсуф (алайҳиссалом) теран фикрли ва ўтқир заковатли эканларини билиб, у билан шахсан учрашиб, ҳолат хусусида гаплашмоқчи бўлди. Ва: «Уни ҳузуримга келтиринг...» деди. Элчи Юсуфга (алайҳиссалом) бу хабарни етказганида волийнинг хотини тўнкаган айблардан ўзларининг пок эканларини ва номусларининг софлигини, зулм ва адоват туфайли зиндонда ўтирганларини подшоҳ ва раия билмагунича зиндондан чиқишдан бош тортдилар.

Юсуф (алайҳиссалом) подшоҳнинг элчисига дедилар: «Хожанг ҳузурига қайтиб, ундан бармоқларини кесган аёлларга нима бўлганини сўра! Мен зиндонбанд бўлишим-



га боис ишда айбланган ҳолда подшоҳ ҳузурига боришни хоҳламайман. Ҳузурига боришимдан олдин, подшоҳдан у ишни аниқлашини сўрагин, ҳақиқатни билсин. Менинг Хожам яширин ишларни ҳам, аёлларнинг менга қарши уюштирган найрангларини ҳам билувчидир».

Подшоҳ волийнинг хотини уйда қўлини кесиб олган аёлларни жамлаб: “Зиёфат куни Юсуфни (алайҳиссалом) ўзидан оздирмоқчи бўлганингизда сизга нима бўлган эди”, деди.

Аёллар: “Аллоҳ покдир. Юсуфда (алайҳиссалом) бирор ёмонлик борлигини билмадик, Юсуф айбдор эмас. Аллоҳ номига қасам, ҳеч бир вақт Юсуфда (алайҳиссалом) бирор ёмонлик борлигини сезмадик”, дейишди. Шунда волийнинг хотини: “Ҳозир ҳақ очик бўлди. Юсуфни (алайҳиссалом) мен ўзидан оздирмоқчи бўлган эдим. У ўзини ҳимоя қилди, менинг талабимга бўйсунмади. У тўғри-сўзли инсондир”, деди. Бу сўзлари билан аёл ўзининг шарафини асрагани ва ишини яширгани учун Юсуфни (алайҳиссалом) тақдирлашни истади. Бу сўзлар Юсуфнинг (алайҳиссалом) айбсиз эканлари эътирофи эди.

Юсуф (алайҳиссалом) дедилар: “Бу қилганларим...” (яъни, подшоҳ элчисини қайтариб, айбсизлигимни подшоҳ ва раия билиши учун подшоҳдан ишимни аниқлашини сўрашим) волий йўқ бўлганида унга хиёнат қилмаганимни билиб қўйиши учундир.

Мазкур оятлар қуйидагиларга далолат қилади:

Қийинчилик ва тўхматни кетказиш учун кишилардан ёрдам сўраш жоиздир.

Динимиз мақсадларидан бири кишиларга дунёвий манфаатларини кўрсатиб қўйишдир.

Солиҳ амалларга бошловчи илм дунёвий ва ухровий қийинчиликлардан қутулиш сабабидир.

Киши шаънини булғашдан ва айблашдан тийилиш зарур. Тилни тўхмат, ғийбат, ифво каби иллатлардан тийиш энг фойдали амалдир.

Хиёнат ва найранг оқибати хорликдир.

**Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН,**  
**Анвар АҲМАД**  
*тайёрлашди.*

*(Давоми келгуси сонда)*

**Янги биноларда**

Нукус шаҳар Муҳаммад Беруний номидаги ўрта-маҳсус ислом билим юрти талабалари ўқув йилини янги жойда, замон талабларига мос равишда таъмирланган бинода бошлашди.

Шунингдек, янги ўқув йилини Урганчдаги Фахриддин Розий мадрасаси талабалари яхшигина таъмирдан чиққан, Хожа Бухорий номидаги Ислам билим юрти (Китоб) толиба қизлари эса, янги қуриб битказилган биноларда кутиб олишди.

**Вилоятларга сафар**

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси йўлланмаси билан пойтахт жомеъларининг 11 на-



# МАРОҚЛИ ТАДБИРЛАР

фар намунали имом-хатиби ватанимизнинг чегара ҳудудлари, чекка жойларидаги масжидларида бўлиб, “Истиқлол туфайли эришилган неъматлар қадрига етайлик” мавзуида маърузалар қилишди. Жумладан, Олтиариқ тумани “Полосон”, Пахтаобод тумани “Абу Бакр Сиддиқ”, Қорасув шаҳри “Юнусали охун”, Хўжаобод тумани “Манак”, Янгиқўрғон тумани “Нанай”, Ургут тумани “Ҳумумлий”, Олот тумани “Халифа” жомеъ масжидларида бўлган имомлар қавмининг долзарб савол-сўроқларига ҳам жавоб беришди.

**Ибратли томошалар**

Рамазоннинг 10-куни Имом Бухорий номидаги Ислам институтининг биринчи ва иккинчи босқич талабалари Шаҳидлар хотираси майдони ва қатагон қурбонлари музейини бориб кўришди. Музей директори, тарих фанлари доктори профессор Бахтиёр Ҳасанов музейнинг ташкил бўлиш тарихи, юртимиз мустақиллиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасини тиклаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Талабалар томошадан яхши таассурот билан қайтишди.

**Маърифий суҳбатлар**

Рамазоннинг иккинчи ҳафтасида Андижон шаҳридаги «Сайид Муҳйиддин Махдум» Ислам билим юртида «Рамазон ойи фазилатлари», «Эътиқодда адашмайлик», «Талабалик одоблари» мавзуларида маърифий давра суҳбатлари бўлди.

Мароқли кечган тадбирларда талабалар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоблар олишди.

**Ёзувчи билан учрашув**

Рамазоннинг 11-куни Тошкентдаги «Кўкалдош» мадрасасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда таниқли адиб «Ёшларнинг камол топишида илмнинг ўрни» мавзуида маъруза қилди, янги ижодий режалари ҳақида сўзлаб берди.

**Жомеъ таъмирланди**

Бу йилги шарафли рамазон ойи Нукус шаҳридаги “Имом Эшон Муҳаммадхон” жомеъи қавми учун кўшалок байрам билан бошланди. Сентябрь бошида масжид Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Қорақалпоғистон қозиёти моддий ёрдами билан таъмирланди, фойдаланишга топширилди.

**Яхшиликлар ойи**

Ўн бир ойнинг султони, шарафли рамазон яхшиликлар ойи ҳамдир. Саховатли биродарларимиз муҳтожларни хурсанд этади. Шу боис мусулмонлар орасида меҳр-муҳаббат, биродарлик туйғулари кучаяди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, жомеълар ташаббуси билан муҳтож, кам таъминланган оилаларга рамазон ойнининг биринчи ўн кунлигининг ўзида 38 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам, хайр-эҳсонлар қилинди.

**Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,  
Муҳаммад Акмалхон ШОКИРОВ**

Самий Нур ЖАҲИН

# ЗИБОЪА БИНТИ ЗУБАЙР



Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) амакиларининг қизи Зибоъа бинти Зубайр ибн Абдулмутталиб саодатманд саҳобиялардан эди. Уни «Умму Ҳаким», «Сафия», яна «Отика» деб ҳам аташар эди. Онаси Отика бинти Абу Ваҳб бўлган.

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Зибоъани Миқдод ибн Амрга турмушга берганлар. У эса Асвад ибн Абду Яғус Зухрий билан яқин бўлиб, Асвад уни ўғил қилиб олган, шунинг учун уни «Миқдод ибн Асвад» деб ҳам чақиришар эди.

Собит Банойй айтади: «Миқдод ибн Асвад билан Абдурахмон ибн Авф бирга ўтиришган эди. Абдурахмон ундан: «Нега уйланмайсан?» деб сўради. Шунда Миқдод: «Менга қизингни бер», деди. Абдурахмон кўнмади. Шундан сўнг Миқдод буни Набийга (алайҳиссалом) айтди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) унга: «Мен сени уйлантириб қўяман», дедилар ва уни амакиларининг қизи Зибоъа бинти Зубайрга уйлантириб қўйдилар. Бу никоҳдан Абдуллоҳ ва Карима исмли фарзандлар туғилди».

У Расулulloҳдан (соллalloҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абдуллоҳ ибн Аббос, Анас ибн Молик, Ойша, Урва ибн Зубайр, Абдурахмон Аърож, Зайнаб бинти Набит ибн Жобир Ансорий, Зайнаб бинти Каъб ибн Ужра Ансория, Карима бинти Миқдод, Райма бинти Миқдод ибн Асвад Киндия, Ибн Мусъайб ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. Унинг ҳадисларини Абу Довуд, Насайй ва Ибн Можа китобларида келтиришган.

Расулulloҳ (алайҳиссалом) амакиларининг қизи бўлгани учун саҳобийлар баъзи ҳолларда Зибоъа ҳимоясига киришарди.

Робиа ибн Усмон айтади: «Бир аъробий Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) кўргани келиб, масжид четига туясини чўктирди. Шунда саҳобалардан баъзилари Расулulloҳнинг (соллalloҳу алайҳи ва саллам) саховатларига суянишиб, Нуаймон ибн Амр Ансорийга: «Қанийди туяни сўйсанг, бизлар гўштидан ердик. Гўшт ейишни жуда соғинганмиз, пулини эса Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) тўлайдилар», дейишди. Шундан сўнг Нуаймон туяни сўйди. Аъробий ташқаридаги воқеани кўргач: «Эй Муҳаммад, туямни



сўйиб қўйишибди”, деб бақирди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ташқарига чиқиб: “Ким бу ишни қилди?” дедилар. Саҳобалар: “Нуаймон”, дейишди. Нуаймондан қилган иши ҳақида сўраш учун унинг изидан боришса, у Зибоъа бинти Зубайр уйдаги чуқурга яшириниб, устига шох-шабба ташлаб олибди. Уни бир киши сезиб қолиб, баланд овозда: “Уни топдим, эй Аллоҳнинг расули”, дея яширинган жойини қўли билан кўрсатиб берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устига ташланган хурмо шохини олиб ташладилар, чуқурдан чиқартириб олдилар. Сўнгра унга: “Нега бу ишни қилдинг?” дедилар. Нуаймон: “Сизни мен томонга йўллаган кимсаларнинг ўзлари мени бу ишга буюришган эди”, деди».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кулиб, унинг юзини арта бошладилар. Сўнгра у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туянинг пулини тўладилар”.

Хайбарда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зибоъа бинти Зубайрга қирқ васақ озиқ-овқат бердилар. Карима бинти Миқдод айтади: «Онам Зибоъа бинти Зубайр ибн Абдулмутталибнинг бундай деяётганини эшитдим: “Яман Баҳросидан ўттиз кишилиқ элчилар гуруҳи келди. Улар Миқдоднинг эшиги олдида тўхташди. Ўшанда бизлар Бани Жадиладаги уйимизда эдик. Миқдод улар олдида чиқиб, кўришди ва уйга киритди. Сўнгра улар олдида товоқда хурмо, ёғ ва пишлоқдан тайёрланган бўтқани олиб келди. Биз уни меҳмонлар келишидан илгари ейиш учун ўзимизга тайёрлаб қўйган эдик. Абу Маъбад Миқдод сахий киши эди. У бўтқани олиб келди. Меҳмонлар ундан қоринлари тўйгунча ейишди. Кейин эса бизга ёғоч лаганни қайтариб беришди. Унда таом бор эди. Ўша овқатни кичик ёғоч лаганга солдик. Уни Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сидрадан бериб юбордик. У Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Умму Саламининг уйидан топибди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Буни Зибоъа бериб юбордими?” деб сўрабдилар Сидра: “Ҳа, эй Аллоҳнинг расули”, дебди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уни бу ерга қўй”, дебдилар. Сўнгра у зот (алайҳиссалом): “Абу Маъбаднинг меҳмонлари нима қилишди?” деб сўрабдилар. “Бизникида-

лар”, дебди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таомдан бир луқма ебдилар, уйда у киши билан бирга бўлганлар ҳам тўйгунларича бўтқа ейишибди. Сидра ҳам улар билан бирга ебди. Сўнгра Пайғамбар (алайҳиссалом): “Қолганини меҳмонларга олиб бор”, дебдилар”.

Сидра айтади: «Хонимамнинг олдида товоқда қолган овқат билан қайтиб бордим. Меҳмонлар то кетгунларича уларга ўша таомдан берардик. Таом сира камаймас эди. Ҳатто меҳмонлар: “Эй Абу Маъбад, бизларни энг яхши кўрган таомимиз билан тўйдирдинг. Фақатгина шу ерда таомга тўйдик. Бизга шаҳарларингда овқат оз, емишларинг майда-чуйда ёки шунга ўхшаш нарсалардан бўлади, деб айтишган эди. Ҳозир эса сеникида тўқмиз”, дейишди. Шунда Абу Маъбад уларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу таомдан бир луқма еб, сўнгра қайтариб юборганлари ҳамда бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баракалари экани ҳақида айтиб берди. Шунда қавм: “Гувоҳлик берамизки, у Аллоҳнинг расулидир”, дея имонга келди. Бу эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истаган нарса эди”».

Эърож Зибоъа бинти Зубайр ибн Абдулмутталибдан ривоят қилади: «Зибоъа уйда қўй сўйди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қўйингдан бизларни ҳам таомлантиргин”, деб унинг уйига одам юбордилар.

Шунда Зибоъа Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жўнатган кишига: “Бизларда қўйнинг бўйнидан ўзга нарсаси қолмади, уни Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юборишдан уяламан”, деб уни қайтариб юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юборган одам у зот олдиларига қайтиб бориб, бу ҳақда хабар қилди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг олдида қайтиб бор, қўйнинг бўйни бўлса ҳам юбораверсин, албатта у қўйнинг йўл бошловчи аъзоси, яхшиликка энг яқин, азият ва ифлосликлардан энг узоқда бўлган қисмидир, дедилар”.

«Нуса ҳавла Расул» китобидан

Яҳё ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли

таржимаси

14 сентябр куни Тошкент шаҳри ва вилоятдан умрага кетган бир гуруҳ юртдошларимиз қайтишди. Пойтахт қўналғасининг халқаро йўналишлардан шаҳар чиқиш йўлагиди ҳаяжонли бир ҳолат ҳукмрон эди. Дўсту биродарларнинг нигоҳида қувонч, энтиқиш, умрачиларнинг чехрасида эса нур, кўзларида севинч ёшлари...

Уларнинг айримларидан илк таассуротларини сўрадик.

## КЎРГАНЛАРИМИЗ БИР УМРГА ТАТИЙДИ



**Бувихожар РАЖАБОВА,**  
*Ўрта Чирчиқ тумани:*

– Аллоҳ менга шу кунларни насиб қилганидан жуда ҳам хурсандман. Айниқса, Мадинаи мунавварани кўришни, Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) салом беришни жуда орзу қилиб юрардим.

Яхши бориб келдик. Ҳеч ҳам чарчамадик. Ибодатда ҳам, ётиб-туришдаю овқатланишда ҳам бирон-бир муаммога дуч келганимиз йўқ. Барака топишсин, ишчи гуруҳ аъзолари керакли ёрдамни

вақтида бериб туришди.

**Абдувоҳид  
РАСУЛБЕКОВ:**

– Меҳмонхоналаримиз Маккада ҳам, Мадинада ҳам ҳарамларга яқин жойда эди. Шунга қарамай, автобуслар ҳам мунтазам қатнаб турди. Бу муқаддас заминларда энг ганимати ибодат-да. Бир сўз билан айтганда, умрага борганларга шароит, хизмат яхши ташкиллаштирилибди.

Саҳарлик ва ифторлик дастурхонларимиз ҳам тўкин тузалди.

**Ҳамро ЛАТИПОВА,** *Собир Раҳимов тумани:*

– Каъбани тавоф қилар эканман, гўё бутун умрим хаёлимда қайта кечгандай бўлди. Оила даврасида ҳаммамиз йиғилганимизда раҳматли дадам Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суннатлари ҳақида гапирсалар, “У зот юрган жойларни қани биз ҳам кўрсак, равзаларини зиёрат қилар эдик”, дея орзу қилар, сўзлари охирида “Ўзи

насиб этсин”, деб дуога қўл очар эдилар. Ота-онамга у ерларга бориш насиб қилмай, ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Уларнинг сўраганлари ижобат бўлди, деб ўйлайман. Мен улар учун ҳам бадал умра қилдим.

**Эркинхўжа ХЎЖАЕВ,** *70 ёш:*

– Очиғи, бундай муборак сафар ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Унга етказадиган хизматлар, сабаблар бўлади, менимча. Киши отонасининг дуоларини олиб қолиши керак экан. Ота рози — Худо рози, дейдилар-ку. Отани рози қилиб, дуосини олса, дилини пок тутса, Аллоҳ ҳамиша сўраганини беришига, ҳар қачон яхши ишларга йўл очилиб туришига ўтган умрим гувоҳ.

Кейин эзгуликнинг натижаси ҳаракат қилаверишда, бекор ўтирмасликда. Ҳалол меҳнат қилиб, Аллоҳдан сўралаверса, ризқини етказаверади. Ўзининг наздида улуғ бўлган ҳаётга мушарраф этади.

**Моҳира ОДИЛЖОНОВА:**

– Киши ожиз банда эканини баъзан унутиб қўяди, “у қиламан, бу қиламан”, деб керилиб юраверади. Бу муборак сафарда эса оддий бир банда эканини, унга Аллоҳнинг меҳрибонлиги чексиз эканини юрак-юракдан ҳис қилади. Тилакларингизни фақат Ўзидан сўрайверасиз. Мен умрада Аллоҳимдан халқимизга, яқинларимга кўп-кўп ризқ, юртимга янаям ободлик, тинчлик, омонлик сўраб, дуолар қилдим. Ибодатларимизни Аллоҳ қабул қилган бўлсин.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

*ёзиб олди*

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

# ОЧИҚ ЮЗЛИЛИК ВА ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ

*“Одамларни молингиз билан рози қила олмайсиз, аммо очик юзингиз ва гўзал хулқингиз билан уларни рози қила оласиз”.*

Очиқ юзли, холис ниятли кишидан ҳар ким мамнун бўлади, ҳатто аввалги гина-кудуратлар ҳам холис, очик юз ҳузурда қарши тура олмай йўқолади.

“Даволарингиз жуда шифоли, беморлар учун фойдангиз катта бўлади”, деганларга машҳур табиблардан бири: “Биз ёзаётган даволар одатий даволар бўлиб, ҳар бир табибга маълум нарсалардир. Агарда бизга кўринаётган хасталар фойда олаётган бўлишса, уларнинг фойдаланувлари давомиздан кўра кўпроқ очик юзимиздандир. Биз уларни очик юз билан қарши олишимизда бутун қайғуларини ўртоқлашамиз”, деб жавоб бергани ривоят қилинади.

Очиқ юзликнинг нақадар фойдали экани шу жавобдан маълум бўлса керак.

Хулқнинг бир мартабаси, масалан, газабланиш, шодланиш, сўзлардан, ҳаракатлардан таъсирланиш каби туйғулар одам бола-сига қўшиб яратилади ва онадан туғилган вақтда эгаси билан бирга дунёга келади. Булар “табиий хулқ” дейилади. Хулқнинг илк мартабаси табиий бўлиб, қолган иккиси касбийдир.

Ёмғирни пастга ёғдирмасликнинг, ўт ёлқинини тепага ўрлатмасликнинг ёки сувни тепаликка оқизишнинг иложи бўлмаганидек, асл газабланиш ва шодланишни ҳам одам боласидан бутунлай йўқотиб бўлмайди. Аммо чеккадан қиздириш ёки юпатиб туриш билан газаб ва шодланишни ҳаддан ошириш ёки бостириш мумкин.

“Табиий” мартабадаги хулқ ўзгармайди, “касбий” мартабадаги хулқ бегоналар таъсирида ёки шу кишининг хоҳиши ва ҳаракати билан ўзгариши мумкин.

Пайғамбарлар шу касбий даражадаги хулққа таъсир қилиш учун юборилганлар. Ёшларга, хусусан, кичик болаларга касбий хулқ нуқтаи назаридан тарбия берилади. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўзал хулқ тўғрисидаги васиятлари ҳам касбий хулқ ҳақидадир.

Касбий хулқни ўзгартиришда одам болаларининг истеъдодлари турли даражададир. Баъзилари оз ва баъзилари кўп қобилятли бўладилар. Ҳарҳолда, хулқнинг касбий мартабаси ўзгаради, хусусан ҳар ким ўзи учун ўзи ҳаракат қилса, натижаси кўринишида шубҳа йўқ.

Хулқини тузатишга муваффақ бўлган одам, аввало, ўзи роҳат топади, қолаверса, ундан одамлар ҳам омонда бўладилар. Бунга эриша олмаган (тиришмаган, тарбия кўрмаган) одам бузуқ хулқи сабабидан ўзи ҳам жафоланади, азоб кўради, халқларга ҳам фойдаси тегмайди. Яхши, чиройли хулқлилар баъзи вақт камбағалликка, қайғу-мусибатларга учраш, беморлик ва ожизлик ҳолларига тушиш туфайли ўзгариб кетадилар. Бу нарса, юқорида айтилганидек, хулқнинг касбий мартабасидир.

*«Жавомеъул калим», «Мовароуннаҳр», 2004.*





# ОЯТЛАРНИНГ ТУШИШ САБАБЛАРИ \*

## Бақара сураси

Икристима (розийаллоху анху) айтади: “Мадинада туширилган энг биринчи сура Бақара сурасидир”.

Муфассирлар айтишича: “Суранинг бошидаги беш оят мўминлар ҳақида, ундан кейинги икки оят кофирлар тўғрисида ва кейинги ўн уч оят мунофиқлар хусусида тушган”.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنْذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ

6-оят: «Имон келтирмаслик йўлини тутган кимсалар эса хоҳ Сиз (эй Муҳаммад) уларни (Аллоҳ таолонинг азобидан) кўрқитинг, уларга баробардир — имон келтирмаслар».

Заҳҳок айтади: “Бу оят Абу Жаҳл ва унинг аҳлидан бўлган беш киши ҳақида нозил бўлган”.

وَإِذَا قُلُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا قَالُوا ءَأَمْنَا وَإِذَا حَلَوْا إِلَىٰ شَيْطَانِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزَءُونَ

14-оят. «Агар мўминларга дуч келиб қолсалар: “Биз ҳам имон келтирдик”, дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан холи қолишганида эса: “Биз, албатта, сизлар билан биргамиз, фақат, (мўмин бўлдик, деб уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос”, дейишади».

Ибн Аббос (розийаллоху анху) айтади: «Бу оят Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг ҳамроҳлари хусусида бўлиб, бир куни улар кетаётган эдилар, олдиларидан Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобаларидан бир гуруҳи чиқиб қолди. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай ҳамроҳларига: “Мана

шу аҳмоқларга қандай муомала қилишимни кўринглар”, деди-да, бориб Абу Бақрнинг қўлларидан ушлади, сўнг: “Эй Сиддиқ, бани Тамим саййиди, Ислом шайхи, форда Расулуллоҳ билан бирга бўлган киши, хуш келибсиз”, деди. Кейин Умарнинг қўлини ушлаб: “Эй бани Адийнинг саййиди, эй Форуқ, Аллоҳнинг динида жасоратли киши, Расулуллоҳ учун молу жонини сарфлаган киши, хуш келибсиз”, деди. Кейин Алининг қўлини ушлаб: “Эй Расулуллоҳ амакиларининг ўғли, куёвлари, бани Ҳошимнинг Расулуллоҳдан кейинги саййиди, хуш келибсиз”, деди. Улар кетишганидан сўнг Абдуллоҳ ҳамроҳларига: “Қандай қилганимни кўрдингизми? Агар сизлар ҳам уларга дуч келсангиз, шундай қилинглар”, деди. Ҳамроҳлари уни мақташди. Мусулмонлар Расулуллоҳнинг олдиларига бориб, бу хабарни айтишди. Шунда Аллоҳ мазкур оятни туширди”.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي أَنْ يَضْرِبَ مَثَلًا مَّا بَعُوضَةٌ فَمَا فَوْقَهَا فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ ۗ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا ۗ يُضِلُّ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا وَمَا يُضِلُّ بِهِ إِلَّا الْفَاسِقِينَ

26-оят. «Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақир нарсалар ҳақида масал айтишдан ҳеч тортинмайди. Имонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини билдилар. Имон келтирмаганлар эса: “Буни мисол қилиш билан Аллоҳ нима демоқчи?” дейишади. Бу ма-

\*Давоми. Бошланиши 6-сонда.

сал кўпларни адаштиради ва кўпларни (ҳақ йўлга) ҳидоят қилади».

Ҳасан ва Қатода айтади: «Аллоҳ китобида чивин, ўргимчакларни эслаганида ва мушриклар ҳақида мисоллар келтирганида мунофиқлар кулишди ва: “Булар Аллоҳнинг каломига ўхшамайдилар”, дейишди».

Ибн Аббос (розийаллоху анху) айтади: «Аллоҳ мушрикларнинг илоҳларини зикр қилиб: “Агар пашша улардан бирор нарсани тортиб олса (қайтариб ололмастар)...” деди. Ва мушрикларнинг ҳийлаларини ўргимчакнинг инига ўхшатди. Шунда мушриклар: “Аллоҳ Муҳаммадга туширган Қуръонда пашша, ўргимчакларни зикр қилганига қаранг. Бу билан Аллоҳ нима демоқчи?” дейишди. Шунда Аллоҳ мазкур оятни туширди».

﴿ أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَتْلُونَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾

44-оят. “Одамларни яхшилиқка чорлаб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, ўзларинг Китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлларингни ишлатмайсизларми?”

Калбийнинг ривоятида Ибн Аббос (розийаллоху анху) айтади: «Бу оят Мадина аҳли ҳақида нозил бўлган. Айрим кишилар қудаларига, қариндошларига, эмикдошларига (яъни, мусулмонларга): “Ислом динингда маҳкам тур ва Муҳаммад (алайҳиссалом) буюрган ишни қил. Унинг йўли ҳақдир”, дейдилар. Одамларни яхшилиқка чақирадилар, лекин ўзлари қилмайдилар».

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالنَّصَارَى وَالصَّبِيَّةَ مِنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَعَمِلْ صَالِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

62-оят. “Албатта, имон келтирган зотлар, яҳудийлар, насронийлар ва (Аллоҳга ишонадиган, аммо бирон шариатга амал қилмайдиган тоифа бўлган) собийлар (улардан) қайсилари (аввал қайси динда бўлганларидан қатъи назар, имонга келиб, Ёлғиз) Аллоҳга, Охирад кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшаларга Парвардигорлари ҳузурида ажр бордир ва улар учун хавфу хатар, ғам-андух йўқдир”.

Суддий айтади: “Бу оят Салмон Форсийнинг ҳамроҳлари ҳақида нозил бўлган. Салмон Расулulloҳнинг олдиларига келгач, ҳамроҳларининг ибодатлари, ижтиҳодлари ҳақида хабар бериб: “Эй Расулulloҳ, улар намоз ўқирдилар, рўза тутардилар ва сизга имон келтиришарди ва сиз пайгамбар бўлиб юборилишингизга гувоҳлик беришарди”, деди. Салмон уларни мақтаб тугатгач, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эй Салмон, улар дўзах аҳлидандир”, дедилар. Шунда Аллоҳ мазкур оятни туширди».

أَفَتَطْمَعُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلِمَ اللَّهِ ثُمَّ مَحْرُفُونَ مِنْ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ

75-оят. «(Эй мўминлар,) мана шулар сизлар(нинг динингиз)га имон келтиришига орзуманд бўласизларми? Ҳолбуки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг Каломини эшитадилар-да, сўнгра уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартириб юбораверадилар».

Ибн Аббос айтади: «Бу оят Мусо (алайҳиссалом) ўзлари билан бирга (Тур тоғига) бориш учун ажратиб олган етмиш киши ҳақида нозил бўлган. Уларни Аллоҳ айрим нарсаларга буюрди ва баъзи ишлардан қайтарди. Сўнг улар қавмларига қайтиб келишди. Ичларидаги ростгўйлари эшитган нарсаларини адо этишди. Баъзилари эса: “Биз Аллоҳнинг сўзини эшитдик. У: “Агар қодир бўлсангиз, бу нарсаларни қилинг, хоҳламасангиз, қилманг, фарқи йўқ, деди”, дейишди...»

فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لَيْشْتَرُوا بِهِءَ ثَمَنًا قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَهُمْ مِّمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِّمَّا يَكْسِبُونَ

79-оят. «Ўз кўллари билан китоб ёзиб, сўнг уни озгина қийматга сотиш учун: “Бу Китоб Аллоҳ ҳузуридан (келган)”, дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлсин, бас, ёзган нарсалари сабабли уларга ҳалокат бўлсин, топган фойдалари сабабли уларга ҳалокат бўлсин».

Бу оят Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) Тавротда келган сифатларини ўзгартирганлар ҳақида нозил бўлган.

Калбий айтади: “Ҳайбарликлар Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Тавротда келган сифатларини ўзгартиришди: “қорароқ, узун бўйли, сочлари силлиқ”, деб тасвирлашди. Аслида эса, “буғдойранг, ўрта бўйли”, дейилган эди. Улар эргашувчиларига: “Охирзамонда чиқадиган пайғамбарнинг сифатларига қаранглар. Булар мана шу кишининг (Муҳаммаднинг) сифатларига ўхшамайди-ку”, дейишади. Олим ва роҳиблари Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатларини аниқ баён қилишса, бошқалар берадиган баъзи нарсалардан қуруқ қолишдан қўрқишарди.

وَلَمَّا جَاءَهُمْ كِتَابٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِن قَبْلُ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ

89-оят. «Қачон уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи Китоб келганида (яъни, ҳазрати Муҳаммадга (алайҳиссалом) Қуръон тушиб, у зот пайғамбар бўлганларида) — ҳолбуки, илгари улар куфр эгаларига қарши (ўша пайғамбардан) ёрдам кутардилар — бас, қачон уларга ўзлари билган нарса келганида унга куфр келтирдилар».

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Ҳайбар қабилиси: “Эй Аллоҳ, охирзамонда чиқаришни ваъда қилганинг уммий пайғамбар ҳаққи, бизга ёрдам бер!” деб дуо қиларди. Энди ўша охирзамон пайғамбари чиққанида, унга эргашимасди. Шунда Аллоҳ мазкур оятни туширди».

مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَالَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ لِلْكَافِرِينَ

98-оят. «Ким Аллоҳга ва Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) куфр келтирганларга душмандир».

Шаббийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) айтди: “Яҳудийлик диндагилар Тавротни дарс қилаётганларида олдиларига борар эдим. Тавротнинг Қуръонга ва Қуръоннинг Тавротга мувофиқ келишидан ажабланардим. Шунда улар: “Эй Умар, бизга сендан кўра яхшироқ киши йўқ”, дейишди. “Нима

учун”, деб сўрадим. Улар: “Сен бизнинг олдимизга келиб, биз билан қўшилиб юрасан”, дейишди. Мен: “Аллоҳнинг Китоблари баъзиси баъзисини тасдиқлаганидан, Қуръоннинг Тавротга ва Тавротнинг Қуръонга мувофиқ келишидан ажабланганимдан келаман”, дедим. Бир куни уларнинг ҳузурда ўтирган эдим, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқамдан ўтиб қолдилар. Улар: “Ана Хожанг, унга қарагин”, дейишди. Қарасам, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинадаги бир йўлакка кириб кетдилар. Шунда мен уларга қараб: “Аллоҳ номи билан ва сизга нозил бўлган китоб номи билан сўрайман, мана шу киши Аллоҳнинг элчиси эканини биласизларми?” деб сўрадим. Бошлиқлари: “Сизлардан Аллоҳ номи билан сўраяпти, айтинглари”, деди. Улар эса: “Сен бошлиғимизсан, ўзинг айт”, дейишди. Шунда у: “Албатта, биз биламиз, у Аллоҳнинг элчисидир”, деди. “У киши Аллоҳнинг элчиси эканини билиб туриб, унга эргашмадиларинг. Сизлар ҳалок бўласизлар. (Эй бошлиқ), сен биринчи ҳалок бўласан”, дедим. Сўнг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кириб кетган йўлакка қараб бордим. У киши мени қарши олиб: “Эй Хаттобнинг ўғли, ҳозиргина менга тушган оятларни ўқиб берайми?” дедилар. Мен “Ҳа”, дедим. У киши “Ким Аллоҳга ва Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) куфр келтирганларга душмандир” оятини ўқидилар».

وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَمَا يَكْفُرُ بِهَا إِلَّا الْفَاسِقُونَ

99-оят. “Ҳақиқатан, Биз Сизга очиқ оятлар туширдик. У (оятларга) фақат фосиқларгина кофир бўлади”.

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Бу оят ибн Суриянинг саволига жавобдир. У Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Муҳаммад, бизга биз биладиган бирор нарса келтирмадинг, сенга бирорта аниқ оят нозил қилинмадики, биз унга эргашсак”, деган эди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни туширди».

“Асбобун нузул” китобидан  
ЎМИ Тошкент шаҳар вакили  
Анвар ТУРСУН  
таржимаси

*Тошкентлик машхур олим Абдувоҳид қори Абдурауфқориевнинг ҳаёти ва фаолияти, республикамиз маърифий-диний ҳаётида тутган ўрни, хизматлари, аччиқ қисмати унинг ўғли Боис Қориев (Олтой) хотирасида, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг “Чинор” романида, санъатшунос олим Сирожиддин Аҳмад ва каминанинг баъзи мақолаларида архив материаллари асосида ёзиб ўтилган эди. Бу борада янги далил ва хотиралар ҳамон учраб турибди. Яқинда Абдувоҳид қори домланинг набираси Али ака Абдувоҳидов келиб, боболари ҳақида мархум оталари Борий Қориевдан эшитган баъзи хотираларини менга сўзлаб бердилар. Куйида шу хотираларни “Ҳидоят” ўқувчиларига тақдим этяпман.*

## БОБОМ ҲАҚИДА

*Абдувоҳид қори набираси Али Абдувоҳидов ҳикоя қилади*

«Мен Абдувоҳид қорининг иккинчи ўғиллари Борий Қориевнинг (1900 — 1971) ўғлиман. Отамнинг айтишларича, бобом қамалишларидан бир йил илгари — 1936 йили туғилган эканман. Исминни ҳам бобом “Али” бўлсин деб қўйибдилар. Мархум отам диний илмлардан ташқари замонавий илмлардан ҳам хабардор бўлганлар. У киши Самарқанд педагогика ўқув юртида ўқиб, сўнг узоқ йиллар мактабларда жуғрофиядан дарс берганлар, бизни кўп нарсалардан хабардор қилганлар. 1937 йили бобом ва унинг бошқа ўғиллари қатори отам ҳам қамалиб, узоқ йиллар сургунда бўлдилар, 1940 йили қайтганларидан сўнг турли соҳаларда ишлаб, 1971 йил октябр ойида вафот этдилар.

Ўзим Тошкент молия-иқтисод институтини тугатгач, 1962 йилдан то нафақага чиққунимча олдин ассиссент, сўнгра доцент вазифаларида ишладим. Бобом ва амакиларим оқлангач, улар ҳақида баъзи хотираларни сўрай бошладим. Отамнинг айтишларича, у кишининг отамдан бошқа Босит Қориев (1898 — 1938), Боис Қориев (1903—1977), Мухсид Қориев (1906—1974) исмли ўғиллари ҳам бўлган.

Бобом Абдувоҳид қори 1856 йили туғилганлар, Бухоро мадрасаларининг илғор талабаларидан бўлганлар. Араб, форс тилларини яхши билган, кейинчалик замонавий матбуот ва адабиётни билиш мақсадида рус тилини ҳам ўрганган эканлар.

Отамнинг айтишларига кўра, бобом совет даврида ҳам ўлка диний идораларида раҳбарлик вазифаларида ишлаб, Москва, Қозон ва бошқа йирик шаҳарларда ўтган диний-илмий анжуманларда қатнашганлар.

Бобомда кўплаб диний китоб ва Қуръони каримнинг нодир нусхаси борлигини кўпчилик билган. Шундан бўлса керак, диний-илмий асарлар йўқолиб кетмасин, деган мақсадда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари муфтий Зиё-



вуддин қори Бобоҳон, уларни диний идорага олсак, дебдилар. Шунда отам Борий Қориев Зиёвуддин қори аканинг илтимосига кўра, 1954 йил март ойида Тошкентдаги Максим Горкий кўчаси 6-берккўча 8-ҳовлида сақланиб келинаётган Қуръони каримнинг ноёб нусхаси ва ўн қопдан иборат ҳар хил илмий-диний китоблардан иборат бобомнинг бой кутубхонасини аравада ташиб, диний идорага топширганлар. Ўшанда отам билан мен ҳам бирга борган эдим...».

**Шерали ТУРДИЕВ**  
ёзиб олди.

# СУРИНАМ РЕСПУБЛИКАСИ



**Майдони:** 163820 км. кв.  
**Аҳолиси:** 400 минг киши.  
**Пойтахти:** Парамарибо шаҳри.

**Тузumi:** республика.  
**Давлат бошлиғи:** президент.  
**Маъмурий тузилиши:** 9 та маъмурий ҳудуддан иборат.  
**Йирик шаҳарлари:** Мунго, Корони.  
**Пул бирлиги:** суринам гулдени.




Суринам Республикаси Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган, Бразилия, Франция Гвианаси ва Гайана билан чегарадош ихчамгина давлат. Унинг шимолий соҳилларини Атлантика уммони ювиб туради.

Ҳозирги Суринамнинг туб аҳолиси суринам элатидир. Милодий ўн олтинчи асрда америкалик бошқа элатлар уларни киндик қони тўкилган ерларидан қувиб чиқаришган эди. Бу заминга кейинчалик Оврупадан биринчи бўлиб испанлар кириб келишди. Улардан сўнг Суринам ерлари голландларга ва инглизларга ҳам «ёқиб қолди». Мустамлакачилар бу жаннатмакон ўлкага мустаҳкам жойлашиб олишди.

1667 йили Англия Суринамни Голландияга «ҳадя қилиб» юборди. У кўп йиллар мобайнида Голландия ҳукми остида яшашга мажбур бўлди. 1954 йилга келибгина Суринам мухтор ўлка мақоми олдди. 1975 йили эса мустақиллигини эълон қилди. 1980 йили мамлакатда ҳарбий тўнтариш содир бўлиб, ҳокимиятни

ҳарбийлар эгаллаб олишди. Ордан саккиз йил ўтиб, ҳукумат фуқаролик бошқарувига берилди ва бу ерда биринчи марта эркин сайловлар бўлиб ўтди.

Суринам иқтисодининг асосини тоғ-кон саноати ташкил этади. Мамлакат заминидан боксит ва озроқ миқдорда олтин қазиб олинади, қайта ишланади. Алюмин ишлаб чиқариш саноати ҳам бирмунча тараққий этган. Бу ерда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишловчи, денгиз маҳсулотлари чиқарувчи, тропик ўрмон ёғочини тайёрловчи корхоналар ҳам бор. Қишлоқ хўжалигида кўпроқ шоли, шакарқамиш, ситрус мевалар ва банан етиштирилади.



Мамлакат иқтисодида денгиз кемачилиги катта аҳамиятга эга. У Суринамнинг бутун ҳудудида ягона улов воситаси саналади. Ўлкада уч йирик денгиз банларгоҳи бор. Автоулов йўллари ва, унча кўп бўлмаса-да, темир йўллар ҳам мавжуд.

Суринам чет мамлакатларга боксит, турли маъданлар, алюмин, ёғоч-тахта, гуруч, қисқичбақа, банан сотади. Четдан эса ёнилғи-мойлаш материаллари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат ва саноат товарлари сотиб олади. АҚШ, Норвегия, Нидерландия (Голландия), Бразилия, Япония унинг савдодаги асосий шерикларидир.

Мамлакат аҳолисининг миллий ва диний таркиби жуда ранг-баранг. Аҳолининг 37 фоизи ҳиндлар, 31 фоизи креоллар, салкам 15 фоизи эса Индонезиянинг Ява оролидан келган муҳожирлар, 10 фоизи африкаликлардан



иборат. Булардан ташқари, бу ерда тубжой элатлар, оврупаликлар ва хитойлар ҳам яшашади. Аҳолининг чорак қисмидан кўпроғи ҳиндикуйликка эътиқод қилади, яна шунчаси протестантлар, чорак қисмига яқини католиклар, 20 фоздан ортиқроғи эса мусулмонлардир.

Мусулмонларнинг кўпини Голландия ҳукмронлиги чоғида иш ахтариб бу ерга келган индонезияликлар ташкил қилишса-да, кейинги йилларда мамлакат туб аҳолиси ўртасида ҳам Ислом динига қизиқиш кучайди. Шу боис Суринам умумий аҳолига нисбатан мусулмонлар сони жиҳатидан Лотин Америкасида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Кейинги йилларда пойтахт Парама-рибода ва Мунго порт шаҳрида бир неча масжид, Ислом марказлари очилди, аста-секин диний адабиётлар чоп этиш, имомлар ва бошқа диний ходимлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Мамлакатда ҳали олий диний ўқув юрти йўқлиги сабабли соҳа кадрлари асосан Мексика



ва Индонезияда тайёрланмоқда. Мамлакат радиоси ҳафтасига уч марта Ислом мавзуларида махсус эшиттиришни эфирга узатади.

**Аҳмад ТУРСУН**

Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 550-551.
2. «Атлас мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 24-25.
3. Интернет материаллари.

## МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Талабалар фестивали

«Ёшлик» талабалалар шаҳарчасида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишлаб талабалар фестивали бўлди. Унда ўн мингдан ортиқ киши иштирок этди.

Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан келган қатнашчилар Ўзбекистон Миллий университетида эришилган илмий ютуқлар, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишишди, пойтахтимизнинг бош майдони ҳамда диққатга сазовор гўшаларни зиёрат қилишди.

**Муборак ОХУНОВА**

### Мутолаа байрами

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий мутолаа байрами бўлиб ўтди. Тадбирда «Туркистон вилоятининг газети»га тузилган библиографик кўрсаткичлар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб тайёрланган «Ҳазрати Имом (Хастимом)» китоби, шунингдек, «Ёшлар келажагимиз», «Сўраган эдингиз...» рисоалари ҳамда иқтисодчи олимлар профессор Муҳаммадали Саидов билан тадқиқотчи Қобулжон Қуролов биргаликда тайёрлашган «Иқтисодий таълим минтақавий марказларини ривожлантириш» китобининг тақдимоти бўлди.

Тадбирда шоир ва ёзувчилар, олимлар сўзга чиқишди. Шу кун маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ҳам ўтказилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

### Ўзбекча асар турк тилида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» романи биринчи китоби – «Жаҳонгир Мирзо» турк тилига таржима қилиниб, «Улуғ салтанат сари» номи остида Истанбулдаги «Дўғу кутубхонаси»да чоп этилди. Таржимон Енис Турон турк тили, адабиёти ва маданияти мавзусида бир қанча мақолалар муаллифи, Марказий Осиё ҳаёти билан яхши таниш турк олимларидан саналади.

Китобга Лутфуллоҳ Тўра кириш сўзи ёзган.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**

### Муаллимлар ибрати

Мўйноқ туманидаги 5-ўрта мактаб жамоаси болаликдан ногирон беш нафар ўқувчига ҳомий бўлди.

Махсус ўқитувчилар кўмагида, уй шароитида таълим олаётган болакайлар фанларни яхши ўзлаштиришмоқда. Уларнинг энг аълочисини муаллимлар компютер билан тақдирлашди

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**

# МАШҲУР ФАРҒОНИЙЛАР

**АБУ МУЪОЗ.** Абу Муъоз Холид ибн Сулаймон Балхий, тўққизинчи милодий асрнинг йирик фақиҳи, Куръон ва ҳадис ҳофизи, юз минг ҳадисни ёд билган. Хуросон қозиси уни аввал Самарқандга, кейин Фарғонага бадарға қилган. У туфайли Шом ва Фарғонада минглаб одамлар мусулмон бўлишган. Вафот этган йили номаълум.

**АБДУЛАЗИЗ МАРҒИНОНИЙ.** Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср Марғиноний Мовароуннахрнинг улуғ олимларидан, абул аймма (имомлар отаси). Бир неча ҳадис ривоят қилган. Унинг ўғли Маҳмуд Ўзгандий «Шамсул Ислому» (Ислому куёши) унвони билан танилган. Абдулазиз Марғиноний ҳижрий 477 (милодий 1083) йилда Марғилонда вафот қилган.

**А Б Д У Л Л О Ҳ ИБН ҚОИД.** Абдуллоҳ ибн Қоид ибн Ақийл ибн Хусайн ал-Ахсикатий Мовароуннахрнинг таниқли муҳаддисларидан. Ҳижрий 461 (милодий 1068) йили Фарғона маркази Ахсикат (Ахсикент)да туғилган. Ироқ, Ҳижоздаги шайхлардан ҳадис тинглаган ва ривоят қилган. Ҳижрий 515 (милодий 1122) йили Самарқандда вафот этган.

**БУРҲОНУДДИН МАРҒИНОНИЙ.** Бурҳонуддин Али ибн Абубакр ибн Абдужалил Халил Фарғоний Марғиноний ҳанафий мазҳабининг атоқли фақиҳларидан. Ҳижрий 511 (милодий 1123) йили Марғилон яқинидаги Риштон қишлоғида туғилган. Ёшлигидан тинимсиз илм ўрганиб, улуғ фақиҳ бўлиб етишди. Дастлаб фикҳ илмининг барча турларини қамраб олган саккиз жилдли «Бидоятул мубтадий» асарини, кейин шу асарнинг тўрт жилдли «Кифоятул мунтаҳий» номли шар-

ҳини ёзди. Унинг тўрт жилдли «Ҳидоя» асари эса ҳанафий мазҳабининг энг нодир фикҳий қўлланмаси сифатида саккиз асрдан буюн дақиқ ва ишончли манба сифатида хизмат қиляпти. «Ҳидоя» турли йилларда бевоқиф араб тилидан форс, инглиз, рус, француз, немис, ўзбек тилларига таржима қилиниб, кўп бора чоп этилди. Бурҳонуддин Марғиноний ҳижрий 593 (милодий 1196) йили Самарқандда вафот қилган, «Турбатул Муҳаммадийн» мазорида дафн этилган.

**ИМОМ ҚОЗИХОН.** Имом Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз Фахриддин Марғиноний Бухорий Мовароуннахрнинг улуғ олимларидан, фақиҳ, валиуллоҳ. Милодий 1132 йили Марғилонда туғилган. Бухоро қозиси бўлган, ҳанафий мазҳабини ёйишда хизмати катта. Унинг «Шарҳи одобул қозихон», «Шарҳи ал-Жомий ас-сағири Шайбоний», «Шарҳи ал-

Жомий ал-кабири Шайбоний», «Китабул мазҳар» каби асарлари машҳур. Милодий 1212 йили шаҳид бўлган, қабри Бухоронинг Имом Қозихон гузариди.

**ҲУСОМИДДИН АХСИКАТИЙ.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ҳусомиддин Ахсикатий Мовароуннахрнинг таниқли фақиҳларидан. Фарғона водийининг Ахсикат шаҳрида туғилган. Фикҳнинг усул ва фуруъ бобида катта илм соҳиби бўлган. Унинг «Мунтахабул хусомий», «Ал-мухтасар фи усулил-фикҳ», «Мифтаҳул усул», «Ғоят ат-таҳқиқ», «Дақоик ул усул ват-табйин» каби асарлари машҳур. «Ал-Мухтасар...» и кўлэмалари Ўзбекистон, Дубай, Миср, Олмония каби ўлкаларнинг кутубхоналарида сақланади. Милодий 1227 йили вафот этган.

---

*Ҳазрати Имом Абу Юсуф (рахматуллоҳи алайҳи) айтганлар: «Илм шундай бир нарсадир, сен унга бутун борлигини фидо қилмасанг, унинг ярмини ҳам ололмайсан».*

\* \* \*

---

*Донолар айтишади: «Дунёда илм кўп, кишининг умри чекланган. Шундай экан, ҳамма билимларни эгаллайман деб овора бўлмай кўяқол, барибир ҳаммасига эриша олмайсан. Бунга сабру бардошинг ҳам, умринг ҳам етмайди. Илмлар орасида ўзингга керагини ол, ҳаётини мақсадингга мос келадиганини танлагин-да, уни пухта эгалла, токи ўқиб ўрганган, билган нарсаларинг худди тошга ўйилган ёзувдек миянга ўрнашиб қолсин ва икки дунё саодатига эришувингга васила бўлсин».*

---



**АҲМАД ФАРҒОНИЙ.** Атоқли фалакиёт, математика ва жуғрофия олими Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғоний тахминан 797 йили Фарғона водийининг марказий шаҳри Ахсикентда туғилган. Ёшлигидан чуқур илм олган, Марв олимлари даврасига кирган. Беруний унинг Дамашқ расадхонасида ишлагани, Суриянинг Синжор саҳросида ер меридиани бир даражаси узунлигини ўлчашда қатнашаганини ёзади. Фарғоний 861 йили Қоҳира (Миср) яқинидаги Равза оролида илм оламида муҳим аҳамият касб этган Нил дарёси сатҳини ўлчайдиган усқунани ясаган. Унинг фалакиётга доир асосий асари «Китабул ҳаракатус самовийя ва жавомий илмун нужум» ўн иккинчи асрданоқ Оврупанинг кўпгина тилларига таржима қилиб, ўқитилган. Унинг фалакиёт ва жуғрофияга доир яна саккизта асар ёзгани маълум. Олимнинг номи Фарбда лотинча «Алфраганус» шаклида машҳур бўлган. У тахминан 865 йили вафот этган.

**МАҲМУД АҲМАД МАҲБУБИЙ.** Фикҳ илмининг пешқадамларидан бўлгани учун «Тоҷуш шарийа» унвонини олган. Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарига «Виқояур ривоят фи масоилул ҳидоя» («Ҳидоя» масалаларини ҳимоя қилувчи ривоятлар) номли шарҳ ёзган. Милодий 1300 йили вафот этган.

**УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД МАҲБУБИЙ.** Фикҳдаги етук илми учун «Тоҷуш шарийа соний» унвонини олган. «Шарҳул виқоя», «Ан-ниҳоя мухтасарул Виқоя» каби китоблари машҳур. Милодий 1346 йили вафот этган.

**Жаъфар АБДУЛМУМИН**

Айрим ҳолларда биз топса бўладиган буюмларимиз, нарсаларимизни авайлаб сақлаймиз, лекин рўпарамизда турган инсонни аямаймиз, кўполлик, кўрслик, дилозорлик қиламиз. Ҳолбуки, инсонинг қалби биллурдан нозик, қолган беш кунлик умримизда кейин кечирим сўраб, синган қалбни қайта бутлашга озлик қилиши мумкин.

## ЯХШИЛИК ЯХШИ

Кўнгилни синдириш, дилозорлик жиноятдир. Киши алам ва ситам дарахтини экса, албатта, уқубат ва азоб мевасини теради.

Ҳадиси шарифда ҳам: «Одамларга нисбатан ёмонликни тўхтат, шу ўзинга садақа бўлади», дейилганку. Энг улуғ хислатлардан бири бир-бировга кечиримли бўлишдир. Доим «мен» деб кўксимизга уравермасдан, «биз» дейишга ҳам ўрганайлик, чунки эришаётган нарсаларимиз фақатгина ўзимизга тегишли эмас.

Инсон, қилаётган ишларимдан Аллоҳ таоло розимикин, деб ўзини тафтиш қилиб яшаши зарур. Ёнимизда ишлаётган, яшаётган инсонларга эътиборлироқ бўлайлик.

Сиз яхшиликка ишониб яшанг. Ният мусаффо, тил билан дил бир бўлсин, юзимизда фақат меҳрибонлик балқисин.

Бу қисқа ҳаётда кимдир бу дунё устунига бир гишт қўйса, кимдир уни кўчириб дунёдан ўтади. Биз гишт қўювчилардан бўлайлик. Яхшилик яхши-да, биродар.



**Акбаржон АБДУРАҲИМОВ,**

Андижондаги «Намуна» маҳалласи оқсоқоли

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Испания мусулмонлари



Маълумотларга кўра, кейинги беш йил ичида ўн минг нафар испан Ислом динини қабул қилган. Уларнинг уч ярим минги Андалусияда, уч минг нафари Католонияда яшайди. Ислом ташкилотлари ҳозир бу мамлакатда жами 1,2 миллион мусулмон борлигини айтишмоқда. Испанияда шу кунларда ўн бир жомеъ ишлаб турибди. Севиля Ислом жамоасида янги мусулмон бўлганлар кўпчиликини ташкил этади. Улар асосан собиқ католиклар, шунингдек, бошқа динлар вакиллари бўлишган.

Islam.com.ua

## Хитой Эрон тарафида



Хитой ҳукумати Эрон Ислом Республикасига нисбатан чеклов чоралари қўлланишига қаршидир. ХХР ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Цзян Юй шу ҳақда маълум қилди. “Чеклов чоралари муаммони ҳал этиш усули ҳисобланмайди, – деди у. – Бизнинг фикримизча, уни ҳал этишнинг энг яхши йўли тинч мулоқот ва музокаралардир”.

Август ойида Техронда атом қуввати бўйича Эрон ташкилоти ва МАГАТЭ ўртасида бир неча бор музокаралар бўлиб ўтди. Томонлар

келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини ҳам муҳокама қилишди.

АСАДО

## Эроннинг иккинчи сунъий йўлдоши

Эрон Хитой ва Таиланд билан ҳамкорликда яна бир тадқиқотчи сунъий йўлдошни фалакка чиқарди. Мамлакат алоқа ва ахборот технологиялари вазири Муҳаммад Сулаймоний шу ҳақда маълум қилди. “Сунъий йўлдош Хитойнинг ташувчи ракетаси ёрдамида фазога кўтарилди”, деди вазир. Унинг айтишича, сунъий йўлдошдан олинган маълумотлардан ҳар уч мамлакат ҳам фойдаланади.


Эслатиб ўтамиз, Эрон шу йилнинг август ойида “Умид” деб аталган биринчи сунъий йўлдошини муваффақият билан фазога чиқарган эди.

Islam.ru

## Муҳаммад Али ҳақида китоб

Америкалик журналист Давид Ремник бундан ўн йил илгари машҳур боксчи Муҳаммад Али таржимаи ҳолидан ҳикоя қилувчи китоб ёзган эди. Яқинда ўша китобнинг ўрис тилига таржимаси босмадан чиқди. Асли исми Кассиус Клей бўлган боксчи ўтган асрнинг 60-йилларида Исломни қабул қилганидан сўнг ўзига мусулмонча исм танлади. Ўшанда Клейнинг мусулмон бўлишини фақат бир-икки одам — унинг сикундантларигина маъқуллашмаган, холос.

Ўша йиллари ўтказилган бир матбуот анжуманида эндиgina мусулмон бўлган бокс-



чи бундай деган эди: «Қора мусулмонлар» атамасини журналистлар тўкиб чиқаришган. Бу расмий ном эмас. Расмий ном – Ислом, яъни тинчлик дегани. Мусулмонлар дунёда энг ювош одамлардир...»

*Правда.ru*

### Андовер ҳуқуқшунослар анжумани



бўйича ҳуқуқшунослар анжумани бўлиб ўтди.

«Мамлакат етакчилари ноҳақ урушни бошлабгина қолмай, балки бунга кенг қўламли қийноқлар ва қонунбузарликларни ҳам қўшиб юборишди», деди ҳуқуқ мактаби декани Лоуренс Вевел. Унинг айтишича, АҚШ раҳбарлари Вэтнамда қилинган хато ишларни бир авлоднинг кўз ўнгида иккинчи марта Ироқда такрорлашди.

Машхур Нюренберг жараёнида АҚШ томонидан айбловчи бўлган АҚШ Олий суди судяси Роберт Жексон хотирасига бағишланган Андовер анжуманида ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари вакиллари, сиёсатшунослар, халқаро масалалар бўйича экспертлар иштирок этишди.

*РИА Новости*

### “Кўрфаз динори”

Форс кўрфазидаги беш мамлакат — Баҳрайн, Кувайт, Қатар, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари пул иттифоқини таъсис этиш ҳамда ягона пул бирлиги — “Кўрфаз динори”ни қабул қилиш борасида келишиб олишди.

Мутахассислар фикрича, бу давлатлар доллар курсининг пастлашидан хавфсирашяпти, чунки уларнинг молияси долларга қаттиқ боғланган.

17 сентябр куни Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Форс кўрфази мамлакатлари ҳамкорлиги кенгашида мазкур давлатлар молия вазирлари ягона пул бирлиги тўғрисидаги таклифни маъқуллашди. Уни 2010 йилдан амалга киритиш режаланди.

Халқаро валюта жамғармаси раҳбари До-

меник Штраус-Кан айтишича, Форс кўрфази мамлакатларида ягона пул бирлигига ўтиш эркин савдо ривожланишига олиб келади, минтақа иқтисодиётининг АҚШ долларига боғлиқ бўлиб қолиш хавфини камайтиради.

*Media International Group*

### Қоҳирада учрашишди

Яқинда Араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида йиғилиб, Фаластин-Исроил музокаралари натижаларини муҳокама этишди. Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос билан Иордания қироли Абдуллоҳ Иккинчининг учрашувидан сўнг шундай қарорга келинган эди.

Маҳмуд Аббос: «Биз ушбу музокаралар бўйича бирор араб давлатида тушунмовчиликлар қолмаслигини истаймиз. Чунки бу музокаралар фақатгина Фаластин билан Исроилга тааллуқли эмас, балки улар, жумладан, Қудуси шарифнинг мақоми тўғрисидаги масала, барча араб давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир», деди.

Қирол Абдуллоҳ Иккинчи Фаластин миллий маъмуриятининг барча муаммоларни узил-кесил ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

*РИА Новости*

### Япония ҳукумати қарори



Япония бирлашган қўшинлар таркибида Ироқда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлардаги иштирокини тўхтатади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Масахико Комуро шу ҳақда маълум қилди. Кувайт ҳудудида ўрнашиб ва БМТ тинчликпарвар қўшинлари таркибида ҳаракат қилган Япония ҳарбий ҳаво кучлари 2008 йил охиригача тўлиқ юртга қайтарилади.

*Лента.ru*

### Бошқарувчилар кенгаши хулосаси

Австрия пойтахти Вена шаҳрида Атом қуввати бўйича халқаро агентлик бошқарувчилари кенгашининг (МАГАТЭ) навбатдаги йиғилиши бўлди.

Кенгаш бош директори Муҳаммад Бардадей Хитой, Эрон ва Суриянинг ядро муаммолари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Унинг айтишича, мазкур мамлакатларда ядро қуроли ишлаб чиқарилишига доир АҚШнинг шубҳа-гумонлари мутлақо тасдиқланмади. Эрон Ислом Республикаси ҳарбий ядровий дастурга тегишли ядровий ашёлардан фойдалангани қайд этилмади. Агентлик мутахассисларининг Сурияда олиб борган текширишлари натижасида ҳам АҚШ махсус хизмати берган маълумотлар асоссиз экани маълум бўлди.

ИТАР-ТАСС

### Кубага Қуръон борди



Кубанинг Сиего де-Авила вилояти Мажагуа шаҳри маъмурияти музейида Қуръони каримнинг нодир нусхаси кўргазмага қўйилди. 1927 йилдан то вафот этгунига қадар (2006) Кубада яшган ливанлик тадбиркор Алешандро Жатиб Жатибнинг қизи саъй-ҳаракати билан Муқаддас Китоб бутун октябр ойи давомида намойиш этиладиган бўлди.

Бу воқеа “озодлик ороли” жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Оммавий ахборот воситалари уни “Куба маданиятининг мусулмон маданияти сари қадам босиши” деб баҳолашяпти.

Куба анчадан буён ташқи оламга ёпик бўлгани учун мамлакатда мусулмонлар жуда кам. Айни пайтда орол аҳолиси орасида Исломга қизиқиш ортмоқда.

Cubanews

### Хитой мусулмонлари ташрифи

Хитой мусулмонлари расмий гуруҳи Москвага ташриф буюрди. 2007 йил ноябр ойида русиялик мусулмонлар гуруҳи Хитойда меҳмон бўлишган эди.

Москва шаҳрида Русия муфтийлар кенгаши раиси Равил Файнутдин билан Хитой мусулмонлари уюшмаси президенти Ҳилолуддин Чуен Хуан Хуан



икки мамлакат Ислом ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик битимини имзолашди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Равил Файнутдин энди Русия-Хитой исломий анжуманларини ўтказиш, ноширлик соҳасида ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятлар очилганини таъкидлади.

Икки мамлакат мусулмонлари раҳбарлари Ислом динимизнинг асло зўравонлик эмас, балки чинакам тинчлик дини эканини бутун оламга намойиш этиш учун биргаликда ишлашга келишиб олишди.

Шундан сўнг Хитой мусулмонлари Русия бўйлаб сафарга чиқиб, Грозний, Махачқалъа, Дарбанд, Қозон шаҳарларида бўлишди, республикалар президентлари, парламент раҳбарлари, давлат ва дин арбоблари билан учрашди. Мусулмон халқлар маданияти, анъаналари билан танишишди.

Ҳозир Хитойда ўттиз беш миллиондан ортиқ мусулмон яшайди. Мамлакатда қирқ мингта, Пекин шаҳрининг ўзида етмишта масжид бор. Қонунга кўра, мамлакат ҳукумати раиси ўринбосарлардан бири ҳамда парламентнинг беш нафар доимий аъзоси мусулмон бўлиши керак.

Islam.ru

### Очиқ эшиклар куни

Олмонияда ўтказилган анъанавий Очиқ эшиклар кунинда мусулмонлар ҳаётини ўрганиш, Ислом ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун эллик мингдан зиёд немис масжидларга келгани қайд этилди. Шу куни мамлакатдаги икки ярим мингдан ортиқ йирик масжидда кўргазмалар ташкил этилди, давра суҳбатлари, матбуот учрашувлари ўтказилди, тил ўрганиш курслари очилди. Айниқса, мамлакатнинг Кёльн, Манхейм, Берлин шаҳарлари аҳоли-



сида Исломга қизиқиш кучли экани кўзга ташланди.

*Mathaba*

### Мусулмонлар Оврупага бегона эмас

Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли Финландия президенти Тари Халонен таклифига кўра Хелсинки шаҳрига ташриф буюрди. Бош котиб Финландия пойтахтида “Оврупада Ислом” мавзуида маъруза қилди. Асосий мақсади Оврупада Исломни ёмонотлиқ қилиш (исломофобия)нинг ёйилишини тўхтатиш эканини билдирди ҳамда Ислом дини ва мусулмонлар қадимдан Оврупанинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб келганини таъкидлади. Усмонлилар беш аср мобайнида Болқонда ҳукм юритишган бўлса, Андалусияда мусулмонлар саккиз аср истиқомат қилишиб, барча соҳаларда тараққиёт сабабчилари бўлишган. Энг асосийси, ҳозирги кунда Оврупада қирқ бир миллион мусулмон яшайди. Шунинг учун Исломни Оврупага бегона деб ҳисоблаш нотўғри. Ислом Оврупа тамаддуни асосий таркибий қисмларидан биридир.

Мусулмон маданияти, илм-фанининг Оврупа тамаддуни шаклланишига улкан таъсирини таъкидлар экан, “Агар Исломни бегонага чиқармай, Оврупанинг муҳим таркибий қисми сифатида кўра олишганида, Туркиянинг Оврупа Иттифоқи аъзоси бўлишига оврупаликларнинг муносабати тубдан яхши томонга ўзгарар эди”, дея таъкидлади ИКТ бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли.

*Todayis Zaman*

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



**Савол:** Ҳаддан ортиқ рашк қилиш гоҳо оиланинг бузилиб кетишига олиб боради. Рашк қилишда қандай йўл тутиш керак? Оиласини бировлар олдида очиқ-ойдин рашк қилавериш керакми ёки унинг ҳам усуллари борми? (*Анджон вилояти Асака шаҳри*)

**Жавоб:** Мўмин киши рашкчи бўлиши керак. Зайд ибн Аслам Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом): “Рашк имондандир, оиласидаги фаҳш, беҳаё ишларга рози бўлиш эса, мунофиқлик аломатидир”, деганларини ривоят қилган.

**Савол:** Яқинда бир маҳалладошимиз вафот этиб қолди. Жаноза маросимида бир киши: “Азадорларнинг хонадонидида таом еб бўлмайди”, деди. Динимизнинг бу кўрсатмасини кенгроқ тушунтириб берсангиз. (*Фарғона вилояти Бешариқ тумани*)

**Жавоб:** Имом Қуртубий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: “Киши оламдан ўтгач, азадорлар биринчи ва еттинчи (каби махсус) кунларда таом тайёрлаб одамларни чақиришлари ношаръий одатлардандир. Бу ҳол Ислом динида йўқ. Бу чақириққа жавобан у ерга бориш макруҳдир. Зеро, унга бориш мункарга ёрдам бериш ҳисобланади. Аллоҳ таоло бизларни мункарга ёрдам беришдан қайтарган (*Баркавий*).

Ўлик чиқарилган кун ва сўнг иккинчи, учинчи, еттинчи кунлари таом ҳозирлаш макруҳдир (*“Баззолия”*).

Марҳум хонадонидида уч кун ичида таом бериш мумкин эмас (*“Хулоса”*). Лекин узоқдан келган қариндошлар ва азадор билан узоқ муддат бирга турувчилар учун кўшнилар таом тайёрлаб беришлари мустаҳабдир.

Аммо бунда махсус жойлар ва таомлар қилиш каби, ман этилган нарсалар бўлмаслиги шарт (*Зайлабий*).

Азадорларнинг уч кун давомида таом қилиб зиёфат шаклида одамларга беришлари макруҳдир. Бу қабиҳ бидъатдир (*Ибн Ҳимом. “Шарҳул Ҳидоя”*).

Мусибат кунлари зиёфат шаклида таом бериш макруҳдир. Зеро, бу иш гам-ғусса кунларига муносиб эмас. Аммо меросхўрлар ичида сағир бўлмаса, таом тайёрлаб камбағалларнинг уйларига тарқатиш яхшидир (*“Фатовои Қозихон”*).

Марҳум сувга чўкаётган киши каби тез ёрдамга муҳтождир. У яқинлари ва дўстларидан мадад кутади. Ортда қолганларнинг марҳумга кўрсатадиган биринчи мададлари Аллоҳ таолога илтижо билан қабр ва оташ азобидан уни асрашни сўраб дуо қилишдир.

Садақа қилиш, таҳлил ва тасбеҳ айтиш, Қуръони карим оятларини холисона ўқиш ва уларнинг савобини марҳум руҳониятига бағишлаш мумкин. Буларнинг савоби марҳум руҳониятига етади ва унга фойда беради (*“Раддул мухтор”*).

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг «Сўраган эдингиз...» 6-китобчасидан олинди.*



### Юрак қолди

Калимаи шаҳодат бир,  
Биргина бир тилак қолди.  
Ҳеч қолмади ошқору сир,  
Мен билан бир юрак қолди.

Қанча баҳор кузлар кетди,  
Ғунча лаб, гул юзлар кетди.  
Ўт-оловлар музлаб кетди,  
Мен билан бир юрак қолди.

Сўниб борар чироқлар ҳам,  
Ўтди висол-фироқлар ҳам.  
Кўмилгандир қулоқлар ҳам,  
Мен билан бир юрак қолди.

Бу бир жабру жафо экан,  
Бир дамлик кайф сафо-экан.  
Кўзлар ҳам бевафо экан,  
Мен билан бир юрак қолди.

Қочиб турар айтар гапим,  
Йиғилмайди гоҳо лабим.  
Ўнгим қани, қайда чапим,  
Мен билан бир юрак қолди.

### Турналар

Баланд учган турналар  
Осмонни эзиб кетди.  
Изларидан кўзлардан  
Дарёлар сизиб кетди.

Бир нафасда, бир дамда,  
Бу ёлғончи, бир камда.  
Хаёлимда, чамамда,  
Юракни узиб кетди.

Демам моҳи тобонлар  
Кўнглимдаги армонлар.

Кўҳна Урганч томонлар  
Бир келиб, кезиб кетди.

Сафларида нигоҳим,  
Соғинч менинг гуноҳим.  
Бўғзимдаги бир оҳим,  
Минг йилни бузиб кетди.

Баҳорлашиб, ёзлашиб,  
Мен ғарибни ёдлашиб,  
Қурқурлашиб-додлашиб,  
Бир гапни сезиб кетди...



### Кузнинг ўзи келар экан

Кўклам ойи фалак бошқа,  
Сумалагу чечак бошқа.  
Ҳар бир кўнгил, ҳар бир бошга  
Кузнинг ўзи келар экан.

Ёшинг қирққа тўлмаса ҳам,  
Бошингга қор кўнмаса ҳам,  
Кўнгил сира кўнмаса ҳам,  
Кузнинг ўзи келар экан.

Бағринг тўлиб дилдорингга,  
Етганингда дилзорингга,  
Қучоқ очиб гулзорингга,  
Кузнинг ўзи келар экан.

Бир жилмайиб кулгунча бир,  
Кўз очиб кўз юмгунча бир,  
Гоҳо ошқор, гоҳида сир,  
Кузнинг ўзи келар экан.

Дарёлар ҳам тиниб қолар,  
Ким билмас, ким билиб қолар,  
Ортидан қиш келиб қолар,  
Кузнинг ўзи келар экан.

### Иброҳим Адҳамдан сўранг

Ўринбой Шодибек ўғлига

Хок бўлмайин  
Пок бўлмоқни  
Иброҳим Адҳамдан сўранг.  
Ҳам шоду ғамнок бўлмоқни  
Иброҳим Адҳамдан сўранг.

Тож надирким,  
Тахт надирким.  
Толе надир, бахт надирким,  
Аҳду қарор, шаҳд надирким.  
Иброҳим Адҳамдан сўранг.

Қабирлик на,  
Ҳаволикни,  
Сабрлик на сафоликни,  
Фонийдаги, фаноликни  
Иброҳим Адҳамдан сўранг.

Ким руҳу жон,  
Ким тандалар,  
Ким гулда, ким гулхандалар,  
Зар чопонлар, бўз жандалар,  
Иброҳим Адҳамдан сўранг.

Бандалик на,  
Умлатни сиз,  
Дини Ислом — миллатни сиз,  
Нури имон — хилватни сиз  
Иброҳим Адҳамдан сўранг...



**Ўтади**

Келган баҳорлар  
Куздан ўтади.  
Лола ранг,  
Сомон —  
Юздан ўтади.

Ким қора, ким оқ,  
Ким жуфту ким тоқ —  
Ҳаммаси ҳам бир  
Издан ўтади.

Хоки туроб тан  
Ўтгунча сендан.  
Қанча-қанча кўз,  
Сўздан ўтади.

Шоҳму гадосиз,  
Ҳақми хатосиз,  
Савол, сўроқлар  
Сиздан ўтади.

Қадам то олтин,  
Бўлгунча олдин  
Ўтдан,  
Оловдан,  
Муздан ўтади...

**Энг оғири...**

Зоҳирда ҳозир кулса ҳам,  
Ботинда йиғлаб хотирим.  
Сўнгги нафас, энг сўнгги дам,  
Энг охири,  
Энг оғири.

Сурат надир, тупроқ туроб,  
Сийрат хароб, сирот-сароб,  
Энди сўроқ, энди жавоб,  
Энг охири,  
Энг оғири.

Тил бир тараф, дил бир ёнда,  
Қулоқлар, кўзлар гирёнда,  
Ҳар бир томон, ҳар замонда.  
Энг охири,  
Энг оғири.



Дунё гўзал давлат экан,  
Бир бозигар — савлат экан,  
Шайтоний шарр гафлат экан,  
Энг охири,  
Энг оғири.

Қўрқаман тош-тарозидан,  
Ўз-ўзимдан норозиман,  
Ҳукми олий Ҳақ — қозидан,  
Энг охири,  
Энг оғири...

**Бахилнинг боғи гулмас**

*Жўра Равшанга*

Тили бир дили яқиннинг,  
Толеи офтоб аҳилнинг.  
Чироғи ёнмас бахилнинг,  
Бахилнинг боғи гулмас.

Сабр гуллар, бардош гуллайди,  
Сир асрор, сирдош гуллайди,  
Кесак гуллар, тош гуллайди,  
Бахилнинг боғи гулмас.

Ундан номус ор сўраманг,  
Фасли хазон хор сўраманг,  
Қора қишда қор сўраманг,  
Бахилнинг боғи гулмас.

Саждагоҳи, эҳроми йўқ,  
Юз йилда бир меҳмони йўқ,  
Бир шамчалик эҳсони йўқ,  
Бахилнинг боғи гулмас.

Дўсти, ёри, ҳамроҳига,  
Соя солмас сўл-соғига,  
Боқманг бахилнинг боғига,  
Бахилнинг боғи гулмас...

**Мен тупроққа  
ишонаман**

Осмон эмас, ердан асл  
Мен бир қисм-нишонаман.  
Мен ўзимга  
Ўзим асир,  
Мен тупроққа ишонаман.

Кимга соғинч, қайғу туроб,  
Армон кимга, орзу туроб,  
Бир кучоқ пар —

Парку туроб,  
Мен тупроққа ишонаман.

Икки дунё бир вафодор,  
Қўйнида жаннати Жаббор.  
Дўсти содиқ —  
Ягона ёр,  
Мен тупроққа ишонаман.

Кимнинг кимга ҳиммати йўқ,  
Қадри йўқдир, қиммати йўқ,  
Миллати йўқ,  
Миннати йўқ,  
Мен тупроққа ишонаман.

Ўғил демас, қиз демайди,  
Шакар демас, туз демайди,  
Сен демайди,  
Биз демайди,  
Мен тупроққа ишонаман...

**Келар**

Тилга тушгай дилда на,  
Кўзга кўнгилдан келар.  
Лола ранг, ол, қаҳрабо —  
Юзга кўнгилдан келар.

Азал бошдан аввало,  
Ният ул на муддао,  
Ҳар на роҳга марҳабо,  
Бизга кўнгилдан келар.

Чархи кажрав даҳри дун,  
Гардуни гирёни хун,  
Дийдага икки Жайхун,  
Бўзга кўнгилдан келар.

Бир умр, йил тўрт фасл,  
Ё аслдир, ё расим.  
Гоҳи кўклам нафаси  
Кузга кўнгилдан келар.

Ким билар, билмас биров,  
Соч-соқолга қор-қиров,  
Шеър, ғазалга чўғ, олов,  
Сўзга кўнгилдан келар...

# ЧУГУЧАКЛИК ЎЗБЕКЛАР

Тарихий ҳужжатларда кўрсатилишича, ўзбеклар Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмига, асосан чегарага яқин Чугучак шаҳрига 1850 йилдан кела бошлашган. Ҳозирги Чугучак шаҳри ўрнида қадимда олис сафарга чиққан савдо карвонлари дам оладиган кўрғон – бекат бўлган. Қорасув бўйларидаги бу кўрғон атрофида Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Қашқардан келган савдогарлар ўтов тикиб, тижорат қилишар эди. Кейинчалик уларга қишин-ёзин турадиган жой керак бўлди ва Тарбағатой амиридан 200 аршин ерга рухсат олиб, дўкон, сарой ва турар жойлар кура бошлашди.

1851 йили Чугучакда “Рус савдо факторияси” очилди, Русия консулхонаси ишлаш бошлади. Ўзбеклар, татарлар, руслар Русия савдогарлари сифатида фаолият олиб боришди. Дастлаб тошкентлик савдогар Иброҳим Амиров Чугучакка бориб, чой савдоси билан шуғулланган ва ҳар йили 15 минг кумуш рублга тенг миқдорда чой сотган. Марғилонлик Ҳожи Умар Чугучакдаги савдо фирмасига рус тилини яхши биладиган жияни Тожи Усмонбойни иш бошқарувчи қилиб қўяди. Улар Русиядан саноат маҳсулотларини олиб келишди, Русияга эса қорамол, қўй, тери, жун жўнатишди. Уларнинг йиллик тижорат моли 500 минг олтин рублга тенг бўлган.

1880 йили марғилонлик Мансуржонбой Урумчида «Чили» савдо фирмасини очди. У Турфондан пахта, тери сотиб олиб, Русияга жўнатар эди. Унинг сармоясини 700 минг олтин рублга етган. 1881 йили кўқонлик ўзбеклар – Раимжонбой ва Мирсолиҳбойлар Тарбағатойга келиб, “Дихи” тижорат фирмасини очишди. Улар Русия молларини келтириб, бу ердан жун, тери, пахта, қўй ва қорамол олиб кетишни ташкил қилишди. Кейинчалик Мирсолиҳбой хитой тилини яхши биладиган ёрдамчиси Ғозибой билан тижорат ишларини кенгайтириб, Турфон, Урумчи ва Тарбағатойда кўп ерларни, сарой, уй ва яйловларни сотиб олади. Чорвачилик билан ҳам шуғулланади ва ҳар бир шаҳарда савдо дўконлари очиб, мол-

мулкини бир миллион Русия олтин рублга етказди.

1883 йили тошкентлик Хонбобо (Хонбува) қариндошлари Азизхожа, Самуғжон ва Аминжонбойларни Тарбағатойга юбориб, “Дошинг” фирмасини очди ва ўзи Масковдан саноат товарлари юбориб туради. Шу вақтда Аминжонбой Чугучакда, Азизхожи ва Самуғжон Урумчида савдо ишларини юритади. Кейинчалик Самуғжонбой ажралиб, “Мовшин” фирмасини қурди ва Азизхожи билан рақобатлаша бошлади. Азизхожи Урумчида ишхона қуриб, сотиб олган қўй юнларини ювдириб-тойлаб, Масковга жўнатар эди. Унинг маблағи бир ярим миллион олтин рублга етган эди.

Аминжонбой ҳам ишига пишиқ одам бўлган. У юборган моллар Масковда яхши қабул қилиниб, юқори баҳоланар эди. Рус савдогарлари ва завод эгалари уни ҳурмат қилишарди. Аминжонбой бундан фойдаланиб, бошқаларнинг ҳам ҳолатини чиқарарди. Унинг тавсияси билан Масков заводларидан насиёга хоҳлаганича мол олиш мумкин эди. Шунинг учун Чугучакка келган ўзбеклар аввал уни йўқлаб, ёрдам олишар эди.

Тошкентлик Абдуқодир бува Бадалбоев, Илҳом ҳожи, Миррашид ҳожи, Миртожи ҳожи, Парпийбой, Фуломбой, Солиҳбой, Абдуазимбой, Имомжон қози, Йўлдош ҳожи, Қодир ҳожи, Тўлаган, Зайнитдин хўжа, Маҳмудхўжа, Обид ва Орифхўжалар, марғилонлик Орифхўжи, Абдуҳакимбой, Раимжон ва Рафиқжон каби кўпгина савдогар ўзбеклар 1900 йилдан илгари Чугучакда турғун бўлиб қолишган. Уларнинг ишлари ривож топиб, ҳовли-жой қилиб, ўрнашиб олганларидан кейин ўзларининг қариндош-уруғлари, таниш биродарларини, хўнарсандларни ва фарзандларини ўқитиш учун муаллимларни таклиф қила бошлашган. Натижада 1900—1920 йиллар орасида бир неча юзлаб ўзбек Чугучакда муқим бўлиб қолди.

Улар қатори буваларимиз Шоакбар Шорустамбой ўғли, Абдусалом, уста Шукур, Шосидлар ҳам Чугучакка бориб, омадларини синаб кўришган.



Ишлари тезда ривож топиб, бойиб кетишган. 1906 йили бувам Орифжон Жаъфар ўғли Чугучакда кичик қандолатчилик ишхонаси ташкил қилади ва парварда, новвот, пашмак каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Шундай қилиб, бир замонлар “Жунғория” деб номланган ўлканинг Чугучак шаҳрида “ўзбеклар қатлами” вужудга келади. Бу уюшмани Тошхўжа эшон ва Ҳасан оқсоқоллар бошқаради. Улар орқали эса савдогарлар Русия консулига боғланишар эди.

Маълумотларга кўра, ўшанда ўзбек савдогарлари бир тарафдан Масков, Петербург, Олмония ва Хитойнинг фарбий ўлкаларига, жанубда Ҳиндистон, Афғонистон, Арабистонгача бориб, тижорат ишларини юргизишган экан. Бундан юз-юз эллик йиллар илгари ҳам ўзбеклар орасидан ҳақиқий ишбилармонлар етишиб чиққан ва улар ҳозирги машҳур савдогарлардан қолишмаган.

Ўзбекларнинг Шарқий Туркистонга кўчишлари Ўктябр тўнтариши даврида ва ундан кейин ҳам давом этиб турди. Бу даврда Чугучакка борганлар асосан ўзига тўқ оилалар, коммунистик тузум қатағонидан жон олиб қочган зиёлилар ва уламолар эди. Айниқса, йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йиллар бошида Сталин сиёсати туфайли содир бўлган очарчиликдан қочиб неча минглаб қозок, татар, ўзбек Шарқий Туркистонга ўтиб кетишди. Бу етмаганидек 30-йиллар охирида Сталин сиёсий қатағон бошлади, миллатнинг онгли қатлами қамалди, отилди ёки узоқ муддатга сургун қилинди. Шу даврларда Чугучакдаги қариндошларини орқа қилиб борган ўзбеклар анчагина. Лекин советларнинг «узун қўли» бу ерга ҳам етиб, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қирғин қилди.

Чугучаклик ўзбекларнинг маънавий ва маданий ҳаётини, турмуш тарзини алоҳида-ажратиб ўрганиб бўлмади, чунки у ерда бир неча туркий халқлар — татарлар, уйғурлар, қозоқлар, ўзбеклар аралашиб яшашган. Шаҳар аҳолисининг етмиш фоизини мусулмонлар ташкил қилган. Бир аср давомида аралашиб яшаш туфайли тиллари ҳам чатишиб “ўрта туркий тил” пайдо бўлган ва бу тилда ҳамма бир-бирини бемалол тушунган.

Нафақат тили, балки урф-одати, маданияти, маънавияти, адабиёти ҳам бир-бирига сингиб кетган. Ўзбеклар татар адиби Абдулла Тўқайнинг шеърларини ёд билишса, татар, уйғур ва қозоқлар Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарини севиб ўқишган. Тўйларда ўзбек ашулалари, татар жирлари, қозок ўланлари ва уйғур нахшилари кетма-

кет айтила берган. Ўзбек аёллари уйғурлардан лағмон, манти, мампар, қозоқлардан бешбармоқ каби таомларни тайёрлашни ўрганиб олишган бўлса, уларнинг тўю зиёфатлари ўзбек палови ва норинисиз ўтмас эди. Узоқ қиш кечалари ўзбеклар, татарлар, уйғурлар гап-гаштак уюштириб, қирдаги қозоқ биродарларини меҳмонга таклиф қилишар, ёзда эса улар тоғдаги яйловларга чиқиб, қозоқ ўтовларида қимизхўрлик қилишар эди.

Шаҳар аҳолисининг кўпи исломий тарбияга амал қиладиган ҳалол, пок, соф виждонли, тўғрисиўз, муруватли, ҳалол ва ҳаромни билган, илм-маърифатли кишилар эди. Бунга сабаб, бир тарафдан, Чугучакда туркий халқларнинг маданиятли қатлами тўплангани бўлса, иккинчидан у ерда Исломи илмининг билимдонлари, етук уламолар йиғилган эди. Айниқса, татарлар ичида ўқимишли, зиёли одамлар кўп бўлган ва улар шаҳарнинг маънавий-маданий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишган.

Ана шундай олимлардан айримларини эслаб ўтаман: 1. Шайх Мир Одил Маккий. У асли қозонлик, Маккада мударрислик қилган, Чугучакка бориб турғун бўлиб қолган. 2. Ҳоди Мир Абдуллоҳ Муфтий. Бу киши ҳам Маккада мударрислик қилган, кейинчалик ватанга қайтиб келганида русларнинг сиёсатидан норози бўлиб, Чугучакка кўчган. 3. Эшон Саид. Уни асли бағдодлик дейишади. Чугучакка бориб туркий халқлар орасида, айниқса, маҳаллий қозоқлар орасида Исломи ёйишда кўп ишлар қилган. Чугучакдаги ажойиб меъморий ёдгорлик — «Қизил масжид»ни қуришга бошчилик қилган ва узоқ йиллар шу масжидда имом бўлган. 4. Саидкамол домла, асли тошкентлик, ёшлигида Эшон Бобоҳон билан бир мадрасада таълим олган етук Исломи олими, ёшларга Қуръон ва ҳадис, Исломи тарихидан дарс берган, чугучакликларнинг маънавий ҳаётини бошқарувчи оқсоқоллар кенгашини тузишда фаол қатнашган. 5. Қурбонғали Ҳазрат 1874 йили татар бойлари таклифи билан Чугучакка кўчиб келади. У дин олими, етук тарихчи эди. “Таворихи жариди жаид” ва “Таворихи хамсаи шарқия” каби асарлари маълум. 6. Умар Абдуллин. 1910 йили Чугу-



чакда дунёвий фанлар ўқитадиган гимназия очди ва маҳаллий ёшлар саводини чиқаришда фаол қатнашди. У очган гимназияга кейинчалик «Умария» номи берилган. 7. Гуландомхоним Ҳабибуллина. Бу маърифатпарвар аёл 1911 йилдан бошлаб чугучаклик аёл-қизларни дунёвий фанларга ўқита бошлайди ва 1925 йилда иккита гимназия очиб, бирига “Гуландомия”, иккинчисига “Мақсудия” деб ном беради. Қирқ йил муаллималик қилиб, жуда кўп аёл-қизларга таълим берган. Онамиз Меҳринисо Шоакбар қизи бошланғич таълимни Гуландомхонимдан олганларини фахр билан эслайдилар. Ана шу маърифатпарвар инсонлар туфайли Чугучакда кўплаб зиёлилар, муаллим-

лар, маданият ходимлари етишиб чиқиди.

П а д а р и бузрукворимиз Каримжон Орифжон ўғли ўзбеклардан чиққан биринчи ўқитувчилардан бўлиб, узоқ йиллар “Умария”

мактабида ўзбек, татар, уйғур, қозоқ ёшларига таълим берганлар.

Мирюсуф Илҳомхожи ўғли Чугучакда биринчи театр очиб, маҳаллий халқлар маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Булар каби маданиятли, маърифатли зиёлиларни кўплаб санаш мумкин. Нафақат зиёлилар, балки шаҳарнинг бой-бадавлат кишилари ҳам илғор фикрли маърифатпарварлар бўлишган. “Турон”, “Гуландомия”, “Ҳасания”, “Намуна”, “Мақсудия”, “Умария”, “Маҳмуд Қошғарий” мактаб ва гимназиялари, минг ўринли шаҳар клуби ва боғи, электрстанса ва бошқалар ўша маърифатпарвар бойлар маблағига қурилган.

Одилжон ЖАЪФАРОВ

## КЕЧИРА ОЛИШ БАХТИ

Турмуш ўртоғим билан жанжаллашиб қолдик. Жаҳл зўрида номуносиб сўзлар айтилди. Кўзлардан тирқираб ёшлар оқди.

Бирга яшасак-да, қарийб неча ой аразлаб, ҳамма нарсага эътиборсизлик қилиб юрдим. Ҳаётимиз аввалгидек бўлмади. Оиладан илиқлик, самимият, барака йўқолди. Эримнинг ҳам қадди букилгандек, кўзларида эса аллақандай маъюслик...

Бир кун газета саҳифаларида “Кечириш қуввати” деган мақолани ўқиб қолдим. Ундаги жумлаларни қайта-қайта ўқийман: “Агар кечирмасанг, бахтли бўлолмайсан... Кечиримлилик калити йиллар ичида эмас, англашда яширинган...” Бу мақола худди мен учун атайлаб ёзилгандек... Шу он хатоларимни англадим. Атрофимдаги ҳамкасбларимнинг кулгию ҳасратлари энди қулогимга кирмас эди. Уйга тезроқ бориб, ўнглашим зарур бўлган ишлар ҳақида ўйлардим...

Телефон гўшагини кўтариб, таниш рақамларни тера бошладим, анчадан буён телефон қилиб хўжайнимнинг ҳол-аҳволини сўрамаган эдим, у томондан эримнинг овозини эшитдим. Салом бериб, ҳолини сўрадим. “Бормисиз... Яхшимисиз... Сизнинг шу меҳрибонлигингиз менга қанчалик далда бўлишини билсангиз эди... Раҳмат сизга...” Эримнинг бу эҳтиромли сўзлари аламзада қалбимни эритиб юборди. Лабларим пичирлайди: “Мени кечиринг... Хатоларим учун...”

Ҳар доимгидан эртароқ уйга бордим. Йўл-йўлакай газета саҳифаларидаги сўзларни мулоҳаза қилиб кетдим: “Биз кўпинча ўзгаларни айблаймиз, лекин ҳеч қачон худди ўша шароитларда ўзимиз қандайдир бошқачароқ йўл тутишимизга тўла ишонч ҳосил қила олмаймиз... Агар ҳар қандай хато учун интиқом олишга интиладиган бўлсак, “Бутун олам кўр ва тишсиз бўлиб қоларди” (Ганди). Интиқом овунтиролмайди, у фақат янги ўчга интилишни озиклантиради. Бу поёнсиз доирадир. Агар юрак нафрат билан тўлган бўлса, унда муҳаббат ва бахтга жой топилармикан? Кечиримли бўлиш қалбни нафратдан тозалайди ва муҳаббат кира оладиган жойни бўшатади”.

Уйга кирдим. Аллақандай совуқлик ҳукмрон эди. Мен бугун уни ҳис қилдим. Дарров ишга уннаб кетдим. Уй тозалладим. Хўжайним суядиган паловни, суядиган тузламаю салатни ҳозирлашга тушдим. Ўзимга ҳам ўзгача оро бериб эримни кута бошладим... Эшик тақиллади. Очяпману юрагим ҳаприқиб кетди. Кўзларига қараёлмайман. Кириш, дейману ичкарига қочаман.

“Борлигингизни эшикдан киришимданоқ биламан...”

Ширин сўзлардан қалбим энтикиб кетди. Шунча вақт ўзимга, эримга берган озорларимдан уялиб кетдим.

ДИЛНОЗА,  
Анджон

Яқинда ишим тушиб туман марказига бордим. Баъзи ҳужжатларни компютерда ёздириш учун коллежлардан бирига кирдим. Қабулхонада ўтирган ёшгина бир қиздан илтимос қилдим. Бир зумда ёзиб, хатоларини текшириб, қўлимга тутқазди.

Шу аснода синглимизнинг дунёқарашини билгим келди. Саволлар бердим.

— Миллий қадрият деганида нимани тушунасиз?

Қиз ҳозиржавоблик билан:

— Ўтган аждодларимизнинг бой мерослари — миллий қадри-

## Салобати босади

ят. Миллий либосларимиз, урф-одатларимиз, хунармандчилигимиз... Уларни асраб-авайлашимиз, қайта тиклашимиз зарур...

— Либосларимиз қандай бўлган?

Қиз синиқ кулди.

— Музейларда кўп томоша қилганман, миллий либосларимиз чиройли... Тўғриси, уларнинг тикилиши менга ёқади.

Уларни кийсангиз, салобати босгандай бўлади...

— Ақлингизга балли... — дейман эшитилар-эшитилмас.

Аммо дил сўзларимни айтишга ботина олмадим. Чунки қаршимдаги қиз ўзи тор ва калта кийимда эди. Аммо унинг бир гапи узоқ вақт қулоғим остида жаранглаб турди: “Уларни кийсангиз, салобати босади...” Шу сўзда кўп яхшиликлар яширингандек туюлди...

**Мунис СИРОЖОВ,**

*Пискент тумани*

## Кичкинтойларга нима фойдали, нима зарарли?

Бола танасида сув кўп бўлиб, мунтазам суюқлик ичиб туришини талаб қилади. Кекса одам танасининг 55 фоизи сувдан иборат бўлса, кичкинтой вужудининг 70 фоизини сув ташкил этади.

\* \* \*

Шаҳар уйларида оқаётган иссиқ сувдан истеъмол мақсадида асло фойдаланманг. Унда соғлиқ учун жуда зарарли қўрғошин заррачалари бўлади. Сув темир қувур деворларидаги қўрғошинни ювиб келган бўлса, уни ичган одам, айниқса, болалар сурункали ошқозоничак касалликларига чалиниши мумкин.

\* \* \*

Хилма-хил ичимликлар чиройли қоғози ва ранги билан кичкинтойларни жалб этади. Айнан шундай ичимликларни болага ичирмаслик керак. Айрим чет эл ичимликларига боланинг соғлиги учун зарарли бўлган кофеин ва бошқа қўзғатувчи моддалар қўшилган. Болалар ичимликларининг нархи арзонлари янада хавфлироқ; уларга шакарнинг ўрнини босувчи моддалар қўшилади. Улар жигар фаолиятига салбий таъсир қилади.

\* \* \*

Тайёр шарбатлар ҳам кичкинтойларга доим фойдали

бўлавермайди. Юз фоиз табиий шарбат деб ёзишган бўлса ҳам, таркибида шарбатдан кўра қоришмаси кўпроқ. Уларга жуда кўп шакар қўшишди, бу ҳам уч ёшгача бўлган болалар соғлиги учун яхши эмас.

\* \* \*

Янги узилган мевалар, сабзавотлардан ўзингиз шарбат тайёрлаб берсангиз, кичкинтойингиз учун ҳар т а р а ф л а м а фойдалидир.



## Маслаҳатлар

Кам ҳаракатлилик, баъзи эндокрин касалликлар, уйқусизлик, руҳий зўриқишлар, ширинликларни ортиқча истеъмол қилиш ҳам инсон танасида ортиқча вазн кўпайишига олиб келади. Бундай вазиятда тананинг ички аъзолар фаолияти, жумладан, юрак қон ҳайдаши, жигар заҳарларни тозалаши, эндокрин безлар эса танани керакли миқ-

дордаги гормонлар билан таъминлаши қийинлашади.

\* \* \*

Овқатланиш вақтида телевизор кўрманг. Дикқатингизни дастурхон атрофидаги кишиларга қаратинг. Шу тариқа оила аъзоларингиз ва дўстларингиз билан муносабатни яхшилайсиз. Телевизор керакли-кераксиз ахборотлар

билан мияни тўлдиради. Бу эса овқат ҳазмини қийинлаштиради.

\* \* \*

Олма истеъмол қилиб туриш ҳансирашни йўқотади, асабни тинчлантиради, мия фаолиятини яхшилаб, ақлни пешлайди.

**РАЙҲОНА**

*тайёрлади*

# ЖАННАТ ВАСФИ \*

## Жаннат эшикларининг сони

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Парвардигорларидан кўрққан зотлар тўп-тўп ҳолда жаннатга “ҳайдалиб”, то улар дарвозалари очиқ жойга (жаннатга) етиб келганларида ва унинг кўриқчилари: «Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз”, деганларида улар чексиз шодланадилар”<sup>24</sup>.

Ушбу оятда «жаннат дарвозалари» дейиши билан унинг бир неча эшик-дарвозаси борлигига ишора қилинапти. Расулulloҳнинг ҳадисларидан уларнинг сонини билиб оламиз.

Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Жаннатнинг саккизта эшиги бўлиб, улар орасида «Райён» деб номланувчи эшик ҳам бор, ундан фақат рўза тутувчилар киради”<sup>25</sup>, деганлар.

Жаннат эшиклари Аллоҳдан кўрққан ва солиҳ амаллар қилиб ўтган зотларга очиқ бўлади. Бу ҳақда Парвардигоримиз Аллоҳ яна бундай марҳамат қилади:

“Бу (биз сизга хабар берган қиссалар) бир эслатмадир. Шак-шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат, улар учун барча дарвозалари ланг очиқ мангу жаннатлар бордир”<sup>26</sup>.

## Бу дунёда жаннат эшиклари очиладиган вақтлар

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ дедилар: “Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган ҳамма банданинг гуноҳи кечиради. Фақат ораларида ғазаб ва нафрат бўлган кишилар қолади. Фаришталарга: “Бу иккисини уч кунгача ярашишларини кутиб туринглар!” деб айтилади”<sup>27</sup>.

Шунинг учун шариатимизда уч кундан ортиқ аразлашиб юриш тақиқланган.

Абу Айюб Ансорий ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ (алайҳиссалом): «Мусулмон ўз биродари билан уч кундан ортиқ алоқани узиши ҳалол бўлмайди. Учрашиб қолишса, бир-бирларидан юз ўгиришади. (Ҳолбуки) Уларнинг яхшилари олдин салом берганларидир»<sup>28</sup>, деганлар.

Бошқа ҳадисда Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Садақа қилиш билан мол камаймайди, ким кечиримли бўлса, Аллоҳ уни азиз қилади, ким

Аллоҳ учун камтар бўлса, Аллоҳ унинг даражасини юқори қилади”<sup>29</sup>, деганлар.

Турли сабабларга кўра оралари бузилган одамларни яраштириш учун ҳатто ёлгон гапиришга ҳам динимизда руҳсат берилиши кечиримли ва бир-биримизга муҳаббатли бўлишимиз лозимлигини билдиради.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (алайҳиссалом) дедилар: “Агар рамазон ойи келса, жаннат эшиклари очилади, жаҳаннам эшиклари беркитилиб, шайтонлар занжирбанд қилинади”<sup>30</sup>.

Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом): «Сизлардан қайси бирингиз таҳоратни мукамал қилиб, сўнгра: “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳу” деса, унинг учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва у хоҳлаганидан киради”<sup>31</sup>, дедилар.

## Жаннатга биринчи кирадиган одам

Анас (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом) дедилар: «Қиёмат куни жаннат эшиги олдига келиб, очилишини сўрайман. «Сиз кимсиз?» деб сўрайди кўриқчи. «Муҳаммадман», дейман. Кўриқчи: «Сизга эшикни очишга буюрилдим, сиздан олдин ҳеч кимга очмайман, дейди»<sup>32</sup>.

## Жаннатга биринчи кирувчи уммат

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Биз бу дунёда охирги умматмиз, қиёмат кунида аввалгиларданмиз, биз жаннатга биринчи кирувчимиз”<sup>33</sup>, деганлар.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом) дедилар: «Жаннатга биринчи кирувчилар бадр кечасидаги тўлин ой суратида кирадилар, улардан кейингилар осмондаги энг ёруғ юлдуз сингари кирадилар; сиймайдилар, ҳожат чиқармайдилар, тупурмайдилар, бурун қоқмайдилар, тароқлари тиллодан, терлари мушк, оловдонлари (тутатқи солинадиган идиш) хушбўй ёғочдан, жуфтлари ҳурлардан. Отамиз Одам (алайҳиссалом) суратида бир хил яхши хулқли бўладилар».

Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (алайҳиссалом) дедилар: “Умматимдан етмиш ёки етти юз минг киши бир-бирини ушлаб жаннатга киради. Юзлари бадр кечасидаги ой каби тўлин бўлиб, охиргилари

\*Давоми. Бошланғичи ўтган сонда.

киришмагунича бошдагилари кирмай туришади»<sup>34</sup>.

Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (алайҳиссалом) дедилар: «Камбағаллар қиёмат куни бойлардан қирқ йил олдин жаннатга киради»<sup>35</sup>.

### Жаннат аҳлининг ёши

Муоз ибн Жабал (розийаллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (алайҳиссалом) дедилар: «Жаннат аҳли жаннатга ўтгиз ёки ўтгиз уч ёшда, соқоқолсиз, кўзларига сурма қўйган ҳолда киради»<sup>36</sup>.

### Жаннат аҳли юзларининг сифати

Жаннат аҳли юзлари қандай ҳолатларда бўлиши Куръони каримнинг бир неча сураларида марҳамат қилинган:

«Шак-шубҳасиз, яхшилар (яъни, мўминлар жаннат) неъматлари ичида-дирлар. Улар сўриларда (Аллоҳ ўзларига ато этган неъматларга) боқиб ўтирурлар»<sup>37</sup>.

Аллоҳ таоло яна марҳамат қилади:

«У кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»<sup>38</sup>

Дарҳақиқат, жаннат аҳли учун Парвардигорларини кўришдан суюклироқ бирон неъмат йўқдир. Шунинг учун ҳам Парвардигорларига боқар эканлар, уларнинг юзлари янада яшнаб нурли бўлиши табиий ҳолдир. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида келган мана бу ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти карима мазмунини таъкидлайди: «Албатта, сизлар яқинда Парвардигорингизни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек очиқ-аён кўрасизлар».

«Мухтасар фикҳул исламия» китобидан «Шайх Зиёвуддин» жомеъ масжиди имом-хатиби, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ўқитувчиси

Раҳматуллоҳ НУРМАТОВ таржимаси

<sup>24</sup>Зумар, 73.

<sup>25</sup>Муттафақун алайҳ.

<sup>26</sup>Сод, 49-50.

<sup>27</sup>Муслим ривояти.

<sup>28</sup>Муттафақун алайҳ.

<sup>29</sup>Муслим ривояти.

<sup>30</sup>Муттафақун алайҳ.

<sup>31</sup>Муслим ривояти.

<sup>32</sup>Муслим ривояти.

<sup>33</sup>Муттафақун алайҳ.

<sup>34</sup>Муттафақун алайҳ.

<sup>35</sup>Муслим ривояти.

<sup>36</sup>Аҳмад ва Термизий

ривояти.

<sup>37</sup>Мутоффиқун, 22-24.

<sup>38</sup>Қиёмат, 22-23.

Тарихчилар Олмонияга Ислом динининг кириб келиши милоднинг саккизинчи асридан бошланган деб ҳисоблашади. Олмониянинг ўша пайтдаги ҳукмдори Улуғ Карл (Шарлеман) 797 ёки 801 йили аббосий халифалар билан элчилик муносабатлари ўрнатишга киришган эди. Маълум бўлишича, ҳар икки томон ўз мамлакатларидаги диний озчилик вакилларига эътиқод эркинлигини кафолатлашган экан.

Шарлеман ҳукмдорлиги вақтида Иберия ярим оролининг каттагина қисми муслмонлар назоратида эди. Улар Оврупанинг бу қисмида саккиз юз йилга яқин, то насронийлар Андалусияни (Испания ва Португалиядаги муслмон давлатини) эгаллаб олгунича ҳукмронлик қилишди. Саккизинчи ва ўнинчи асрлар оралигида муслмон араблар Корсика, Сардиния, Ситилия ва ҳатто Римга ҳам юриш қилиб туришди. Ислом кўшинлари жануб ва ғарбдан Пиёмонт ва Бургундия орқали Рон водийига кириб боришди. Улар Швейтсария Алпини эгаллаб, 952 йилдан 960 йилгача шу ерда қолишди.

## ОЛМОНИЯДА МУСУЛМОНЛАР

Кейинги улуғ юриш шимолдан бошланди, усмонли турклар 1453 йили Византия пойтахти Константинополни (ҳозирги Истанбул) қўлга киритишди. Бу ҳодиса Рим империясининг ҳалокати эди. Шундан кейин муслмонлар ўз таъсирларини кенгайтириб, 1529 ва 1693 йиллари Болқон орқали Вена дарвозаларигача боришди. Кейинроқ Босния ва Албания Ислом билан шарафланди.

Ўн еттинчи асргача Истанбулнинг янги юришларидан кўрқув туфайли Олмония муслмонлар билан муносабатлар ўрнатишга унча интилмади. 1701 йилга келиб вазият ўзгара бошлади. Шу йили султон Мустафо Иккинчи Пруссия қироли Фридрих Биринчининг тахтага ўтириши муносабати билан унга табрик йўллади.

Бу қадам иккала томон ўртасида илиқ муносабатлар бошланишига туртки бўлди. Гертсог Курляндский қирол Фридрих Биринчига урушда асир олинган 120 нафар муслмон татарни тортиқ қилганида, олмон ҳукмдори уларнинг намоз ўқишлари учун алоҳида хона ажратди. 1712 — 1786 йиллари ҳукм сурган Фридрих Иккинчи ҳам бошқа динлар қатори Исломга бағрикенглик кўрсатди. Габсбургларга зид ўларок, у усмонлилар салтанати тимсолида ўзига янги иттифоқчи топди.



Шундан кейин дипломатик муносабатлар ўрнатиш бошланиб кетди. 1763 йилнинг 9 ноябрида турк элчиси Аҳмад Расми афанди немисларнинг кўзи ўрганмаган фаройиб кийимдаги етмиш уч нафар аёни билан Берлинга кириб келганида шаҳар аҳолиси уларни қизгин қутлади. Бундай эҳтиромдан чуқур ҳаяжонланган ва бир оз ўнғайсизланган элчи султон Мустафо Учинчига: «Берлин аҳолисининг Муҳаммад пайгамбаримизга (алайҳиссалом) ҳурмати чексиз ва Исломни қабул қилишга тайёрлигини айтишдан ҳам қўрқмаяпти», деб нома юборди.

Туркларнинг кейинги элчиси 1798 йили вафот этганида Фридрих Учинчи уни Ислом талабларига кўра дафн этишни буюрди. Шундай қилиб, Олмонияда туркларга ажратилган биринчи ер Берлиндаги мусулмонлар қабристонини бўлди.

Кейинчалик Ислом ҳазораси ва маданияти немисларнинг маънавий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди. Машҳур олмон шоирлари Готхолд Лессинг ва Иоҳан Ҳёте Ислом билимдонлари ва куйчилари бўлишган. Машҳур файласуф Гегелнинг ҳам Ислом динига шавқи баланд эди. Вена баскакорлари турк мусиқаларидан илҳом олишарди. Мотсарт операга мусулмон оҳанглари олиб кирди, Гайднинг «Турк марши» ҳам машҳур бўлиб кетди. Меъморлар ҳам араб-ислом анъаналарига мурожаат қила бошлашди.

1889 йили кайзер Вилгелм Иккинчи Истанбулга борди, орадан тўққиз йил ўтиб эса ўша пайтда усмонлилар қўл остида бўлган Кудус ва Дамашққа сафар қилди. Бу ерда 1187 йили Кудусни салибчилардан озод қилган Салоҳиддин Айюбий қабрини зиёрат қилди. Бу ерда олмон ҳукмдорининг табриги ва мусулмон қахрамони жасоратидан

ҳайратланишига жавобан маҳаллий имом: «Кайзерни, олмон салтанатини ва барча немисларни Аллоҳ паноҳида асрасин», дея дуо қилди. Шундай бошланган ҳамкорлик Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида Олмония билан Туркиянинг иттифоқчи бўлишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Фарбий Олмонияни тиклаш учун таклиф қилинган мусулмон ишчилар мамлакатнинг диний қиёфасини ўзгартириб юборишди. Бу ерга 1961 йилдан бошлаб турклар кела бошлашди, орадан икки йил ўтиб марокашликлар, яна шунча вақт ўтган эса тунисликлар ишлагани келишди. Ишга қабул қилишнинг тўхтатилиши ҳам, оила билан келишга қарши чекловлар ҳам мусулмон ишчилар оқимини тўхтата олмади. Кейинчалик улар сафига Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Бўснадан келган қочоқлар ҳам қўшилишди. Турли маълумотларга кўра, ҳозир Олмонияда уч миллиондан тўрт миллионгача мусулмон истиқомат қиляпти. Буларнинг бир миллиони туб аҳоли вакиллари, қолганлари асосан турк ва бошқа миллат ишчиларидир.

Мусулмонлар Олмонияда анча-мунча ҳуқуқ ва имкониятларни қўлга киритишган. Мусулмон муаллимлар ва имомлар Олмониянинг ўзида тайёрланмоқда.

Кейинги ярим аср мобайнида немис ташкилотлари жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни эътибор билан кузатиб турибди. Исломга нисбатан қаттиққўл бўлишни танқид қилаётганлар мўтадил кайфиятдаги мусулмонларга таяниб, умумий яхши истиқболга эришиш мумкинлигини айтишмоқда.

Урсула

СПУЛЕР-СТИГМАНН,

Олмониядаги Марбург университети  
Ислом фанлари профессори («Der Spiegel» журнали, Islam.ru)

## ХАТТОТЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Азалдан инсонлар ўзаро ёзув йўли билан фикр алмашишда икки воситадан фойдаланишган: ишоралар ҳамда товушларнинг шакллари — ҳарфларга таянишган. Ҳарфларни ҳамма билади. Ишораларга рамзларнинг барчаси — кўча ҳаракати белгиларидан тортиб информатика оламида қўлланадиган аломатларгача киради.

Ҳар иккала услубда ҳам маълумотлар қозғоғда қайд этилади — хатга туширилади. Хатга тушириш мутахассиси эса «хаттот» деб аталади.

Марказий Осиё худудида еттинчи асрдан бошлаб арабий ёзув хаттотлиги шаклланиб, етуклик даражасини топган. Арабий ёзув етти хил қалам тебратиш услуби билан шуҳрат қозongan бўлса, шулар орасида энг гўзал насхгалик ёзуви ўрта асрларда Самарқанда ихтиро қилинган.

Аждодларимизнинг хаттотлик борасидаги ютуқларини кейинги авлод ҳам меҳру ихлос билан ўрганиб, янгидан-янги қирраларини очмоқда. Ҳозирга келиб, хаттотлик фан даражасида эътироф этилиб, халқаро майдонда кўргазма, фестивал ва беллашувлар ўтказилмоқда. Уларда ҳам-юртларимиз ҳам муваффақиятли қатнашишяпти. Ўтган асрда хаттотлик фанига янгилик киритиб, «Шарқ юлдузи» унвонини қўлга киритган хаттот ҳам замондошимиз Ҳабибуллоҳ Солиҳ бўлади. У «Нақшинкорликда қўлланиладиган барча безак ва нақшлар» алифбосини тузди.

Яқинда рамазон муносабати билан Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида «Буюк ипак йўли бўйлаб» исломий санъатлар халқаро кўргазмаси ўтказилди. Унда иштирок этган ўзбекистонлик хаттот Баҳодир Солиев асарларини барча мутахассислар, хатто Шаржа амири ҳам олқишлади.

Ғофиржон ҲАҚБЕРДИ,  
хаттот